

Г.Раҳмонова, шунингдек, фортепиано фани ўқитувчиси Р.Роziқованинг ҳақиқа ҳам чанг солади. Унинг гуруҳига бир нафар ўқувчини қўшиб бергани эвазига тамагирлик билан 30 минг сўм пулни талаб қилиб олади.

7 бет

Шундан сўнг уюшган жиноий гуруҳ аъзолари беҳавотир жойда учрашиб, босқинчилик йўли билан талон-торож қилинган 38 миллион сўм пулни ўзаро тақсимлаб олишди. Наби ўзига 10,5 миллион сўмини ажратди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 8-noyabr, №45 (826)

Тадбир

Хоразм вилоят прокуратурасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоят прокуратураси органларининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2012 йилнинг 9 ойидаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазифалар муҳома қилинди.

Чуқур таҳлил асосида

Бахтиёр ЖУМАНИЕЗОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Хусусан, мажлис кун тартибидан Бош прокуратура ва вилоят прокуратурасининг 2011 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлиб ўтган ҳайъат мажлиси қарорлари ижросининг аҳоли юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳамда Янгибозор туман прокуратурасининг қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти жой олди.

Йиғилишда таъкидланишича, вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада 2012 йилнинг 9 ойида муайян ишлар амалга оширилган. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасидаги ўтказилган 219 та текширишлар натижасига кўра 1700 тадан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 72 та жиноят иши қўзғатилган.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган 158 та текширишлар натижасида 2476 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси тизими томонидан ўтказилган текширишларда 185 та жиноят ва 40 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилган.

Вилоятда ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш мувофиқлаштириш чоралари кўрилган. Шу каби эътирофлар билан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳақида ҳам атрафлича сўз юритилди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013

Хурматли юрtdoшлар!

2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси
Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз
бўлиб қолади. Газетамизга
«Матбуот тарқатувчи» АК ва барча
почта бўлимларида обуна
бўлишингиз мумкин.



Нашр индекси — 231

Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013

Парламентда

Мустаҳкам оила ва маҳалла

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Сенатнинг Қонунчилик ва сул-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда "Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг роли ва таъсири" мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда сенаторлар, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ходимлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маҳаллаларининг раислари ҳамда фаоллари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маърузачилар томонидан таъкидланганидек, мустақил

лик йилларида оила институти ҳар томонлама ривожланиди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар, Оила кодекси, элликка яқин қонун ҳужжатлари, Президентнинг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилинганлиги ва шу муносабат билан Давлат дастури қабул

қилиниши оила институтини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ҳамда аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарганлиги алоҳида эътироф этилди.

Шу билан бирга, семинарда манзилли ижтимоий ёрдамни амалга оширишда, болаларни тарбиялашда, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, дунёқароши ва тафаккурини шакллантиришда, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда, шунингдек, оилавий низо-ларни маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида ҳал қилишда маҳалланинг роли ва аҳамияти амалда ортиб бораётгани мисоллар билан иштирокчиларга етказилди.

Семинар ишида қайд этилган, соҳада мавжуд бўлган айрим камчиликлар ҳамда ўз ечимини кутаётган муаммолар, оилаларнинг ажралишларига сабаб бўлаётган оммиларни бартараф этиш зарурлиги ҳам иштирокчилар диққат-марказида бўлди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар амалиётда дуч келинаётган турли мунозарали муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашди.

Назорат

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаси

Чорвачилик соҳаси асрлар давомида юртимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Иқтисодиётнинг ўтиш даврида кўплаб тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, одамларнинг қўшимча даромади олиш имкониятлари чекланган мураккаб йилларда ушбу соҳа қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлиги даражасини барқарор сақлаб туришга салмоқли ҳисса қўшди. Чорвачилик қишлоқ аҳолиси учун озиқ-овқат ва даромад олишининг муҳим манбаига айланган. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда оқсизга бой маҳсулотлар, жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда чорвачилик қишлоқ ҳўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда алоҳида ўринга эга. Ушбу тармоқнинг қишлоқ ҳўжалиги ялпи маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 46,3 фоизни ташкил этади.

Тармоқнинг республика иқтисодиёти ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги

муҳим аҳамиятини инобатга олган ҳолда, соҳани ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Берилган имтиёзлар эвазига тежалган маблағлар насличлик ишларини яхшилашга ва маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ҳисобига қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Жумладан, кейинги уч йил мобайнида қорамоллар сонининг кўпайиши барча вилоятларда ўртача 113 фоизга тўғри келди. Жумладан, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига республикада 9.966,6 минг бош йирик шохли, 16.758,9 минг бош майда шохли қорамоллар мавжуд.

Йирик шохли қорамолларнинг 9.353 минг боши деҳқон ҳўжаликлари ва аҳоли, 511 минг боши фермер ҳўжаликлари, 102,6 минг боши эса қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳисобига тўғри келади.

Шунингдек, майда шохли қорамолларнинг 13.704,9 минг боши деҳқон ҳўжаликлари ва аҳоли ҳисобига, 1.237,5 минг боши фермер ҳўжаликлари, 1.816,5 минг боши қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳисобига тўғри келади.

/Давоми 4-бетда/

Бугунги кунда дунёда қора металл бўлган талаб кучайиб, ундан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилган. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда металл парчаларини аҳоли ва ташкилотлардан тегишли тартибда сотиб олиш ва унумли фойдаланиш мақсадида "Ўзбекистон Темир йўлидаги" ДАТК тизимида махсус металл майдончалари ташкил этилган. Бугун бу майдончалар орқали минглаб тонна яроқсиз темир парчалари йиғилиб, белгиланган тартибда "Иккиламчиқораметалл" ДУКга топширилиб келинмоқда. Аммо айрим мансабдор шахсларнинг ўз манфаати йўлига қилаётган хатти-ҳаракатлари боис бу борада ҳам қин-ғирликлар учраб турибди.

Қора металл «сири»

Зафарбек ТУСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Транспорт
прокурорининг катта ёрдамчиси

2009 йилнинг 11 ноябидан Кўкон вагон депосига бошлиқ этиб тайинланган Ш.Абдуллаев ана шундайлардан бўлиб чиқди. У ноқонуний даромад топиш мақсадида Кўкон вагон депоси металл майдончаси бригадирини З.Эгамбердиев ва депонинг таъминотчиси М.Абдуллаевлар билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Раҳбар жиноий режа йўлида Кўкон минтақавий темир йўл узели томонидан берилган ишончномада 10 млн. сўмдан ортиқ бўлмаган шартномаларни ҳўхалик юритувчи субъектлар билан тузиш ҳўхўқига ёки эканлиги кўрсатилган бўлса-да, бунга амал қилиб ўтирмайди.

Хусусан, "Навқирон Вали Соҳиб" МЧЖ билан 618 тонна 77 млн. 250 минг сўмлик, "Тикувчи Сеҳри" МЧЖ билан 80 тонна 10 млн. сўмлик, "Ором Транс Люкс" МЧЖ билан 160 тонна 20 млн. сўмлик, "Хумо-2000" ХК билан 72,46 тонна 9 млн. 999 минг 480 сўмлик, "Голден Глобал Глобус Траде" МЧЖ билан 144 тонна 19 млн. 872 минг сўмлик ва бошқа ана шундай МЧЖлар билан қора металл парчаларини сотиб олиш учун, жами 1.338,481 тонна 170 млн. сўмлик шартномаларни тузади.

Ўз ўрнида Ш.Абдуллаев ва З.Эгамбердиевлар тузилган ушбу шартномаларга асосан, МЧЖларнинг ҳисоб-рақамга тегишли пул маблағларини ўтказиб берадилар. Ўтказилган пул маблағларининг 15 фоизини шартнома тузилган МЧЖда қолдириб, қолган қисmini нақдлаштириб олиш йўлга қўйилади. Расмий ҳужжатларни эса сохта ҳисоб-варақ фактуралар билан тўлдириб, гўёки қонуний тўс берадилар. Шундан сўнг МЧЖлар орқали нақдлаштириб олинган пул маблағларига турли жисмоний шахслардан қора металл парчаларини сотиб олишни йўлга қўйдиладар. Бу билан жиноий гуруҳ томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари ҳам жуда кўп миқдорда бузилади.

Бундан ташқари, Ш.Абдуллаев Кўкон эски нефть базиси ҳудудидан чиққан 96,912 тонна 12 млн. 933 минг сўмлик металл парчаларини З.Эгамбердиевнинг моддий ҳисоботида киритмасдан, МЧЖлар томонидан етказиб берилмаган шунча миқдордаги қора металлнинг унинг ҳисоботидан чиқаради. Кейин сохта ҳужжатларни расмий ҳужжат сифатида тегишли тартибда имзолаб, депонинг бухгалтериясига тақдим этади.

Текширув ва олиб борилган тергов жараёнида жиноий гуруҳнинг барча кирдиорклари фўш этилиб, етказилган зарарнинг ундирилиши таъминланди. Одил суд эса уларнинг қилмишига яраша ўз ҳўхўқини ўқиди.

Ёш авлоднинг баркамоллиги йўлида

Гиёҳвандлик — инсониятни таназзулга бошловчи муҳўхш иллат. Ер юзи бўйлаб иллат билан тарқалиб, кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган бу офатга қарши курашиш барчамизнинг зиммамизга бирдай масъулият юкламоқда.

Гиёҳвандлик — ОИТС, фўхиша-бозлик ва экстремизмнинг дояси. Гиёҳвандликка ружў қўйган кимсалар ва уларнинг яқинлари захри қотилининг хариди учун ўғирлик, фўриб-гарлик ва босқинчилик каби қатор жиноятларни содир қилмоқдалар.

Жиноятнинг ижтимоий хавфини ҳис қилган ҳолда Янгйбозор туман прокуратураси томонидан ҳўхўқини муҳўфаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда гиёҳвандликка қарши курашиш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2011 йилда жиноят ишлари бўйича Янгйбозор туман суди томонидан 14 нафар шахсга нисбатан 7 та жиноят иши қўрилиб, уларнинг барчаси қонун талаблари асосида тегишли жазога тортилган. Судланувчилардан 0,04 грамм героин, 95,14 грамм марихуана гиёҳвандлик воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

Ҳўхўқини муҳўфаза қилиш идоралари томонидан 2012 йилда ҳам бу борадаги фўолият қатъий тартибда давом эттирилиб, жиноятчилик ўчўқларини фўш этиш, бу юзадан малакали

тергов олиб бориш чоралари қўрилмоқда.

Шў ўринда таъкидлаш лозимки, гиёҳвандлик иллатини тарқатувчилар асосан аёллар кўмагидан фўйдаланган ҳолда иш қўришапти. Биз аёлни оила гулгожи, фарзандлар тарбиячиси, келажак давомчиси сифатида эъзўзлаймиз. Аммо текин даромад илнжидида ўзга бир фарзанднинг умрини хазон қилаётган аёлни она сифатида қадрлаш мумкинми? Ўз боласига кимларнингдир кўз ёши эъзўзига келган ҳаром лўқмани ошатаётган аёл эртага ўзининг фарзандидан яхшилик кутиши мумкинми?

2012 йилнинг ўтган даврида жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан 4 нафар шахсга нисбатан 3 та жиноят иши қўрилган. Шундан икки нафари аёллардир. Судланувчилардан 14 ҳамда 23 грамм миқдордаги марихуана гиёҳвандлик моддалари ашёвий далил сифатида олинган.

Наркобизнес занжирининг асосий бўғини саналмиш ташувчи ва сотувчи шахсларни аниқлаш, уларни фўш қилиш юзасидан тезкор-тергов ишла-

Мансурбек МАТКАРИМОВ,
Янгйбозор туман прокурори

Хулоса чиқармагач...

Бугунги кунда мамлакатимизда қўлай тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитининг яратилганига аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Фарҳод ЭСАНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
катта инспектори

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида фўолият юритаётган ишбилармонлар сафиди аёлларимизнинг ҳам борлиги ва уларнинг тармоқдаги фўол иштироки алоҳўда эътирофга моликдир. Бугун ўзбек аёли жамиятнинг барча жаҳбаларида илгор ва эркаклардан ортда қолаётгани йўқ. Бироқ, баъзи аёлларнинг нафс қўлига айланиб, жиноятга қўл ураётгани дилни хира қиладди, албатта.

Нилуфар Йўлдошева бошқа аёллар ҳавас қилса арзийдиган, режали, ишбилармон аёл сифатида тадбиркорлик фўолиятини йўлга қўйиб, эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди. Аммо рисоладагидек кетаётган ҳаётдан кўнгли тўлмай, кингир ишларга бош сўқди.

Бош прокуратура ҳўзуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Чилонзор туман бўлими ҳодимлари томонидан "Famous plus" МЧЖнинг 2011 йил 1 июлдан 2012 йил 1 февралгача бўлган фўолияти ҳўжжатли тафтиш этилганда, ўтган йил учун молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот нотўғри тўлдирилганлиги маълум бўлиб қолди. Аниқланишча, 2011 йилнинг июль-декабрь ойлари учун улгўржи савдо фўолиятидан 129 млн. 220 минг сўм ягона солиқ тўлови қўшимча ҳисобланган. Шунингдек, жамият томонидан 946 млн. 386 минг сўмлик харидоргир — цемент, пражма маҳсулотлари турли бозорларда нақд пулга сотилиб, пуллар банкка инкассация қилинмаган ҳамда текширув кўнигача бу товарлар омонборда ёки реализация қилиш жойида мажҳуд бўлмаган.

Ачинарлиси, Н.Йўлдошева бундан аввал ҳам йўл қўйган "хато"си учун судланиб, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган эди. Лекин у бундан ўзига тўғри хулоса чиқармаган экан.

Суд томонидан Н.Йўлдошевага тегишли жазо тайинланди.

Удабуроннинг миси чиқди

Тадбиркор Ш.Исоков бирин-кетин, аниқроғи, 2003 йилда "Шоҳижаҳон РНД" хўсусий қорхонаси, келаси йил "Авто эмблема плюс" хўсусий фирмаси, 2007 йилда "Нефтьгаз пайванд таъмир" хўсусий қорхонаси, 2009 йилда эса "Бухавоттрансфостар" МЧЖларни ташкил этиб, уларга ўзи раҳбарлик қилди. "Эпнини топган — элак билан сув ичар", дейсизми? Тўғри. Аммо, Исоков "Така бўлсин, сути бўлсин", қабилида иш тутди. Қорхоналарнинг ҳисоб рақамлари орқали миллионлаб пул маблағларини айлан-тириб, даромад тоғдиқ, солиқ ва бошқа тўловлардан қарзларини камайтириш имконияти бўла туриб, жами 38 млн. 545 минг 800 сўмлик солиқ ва давлат томонидан белгиланган бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, 428 млн. 795 минг 600 сўмлик молиявий санкциялардан боқиманда қарзларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

Боз устига, у Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги "Аҳоли

билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида"ги Қарори талабларига хилоф равишда иш тутди. Қорхоналари орқали савдо ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш фўолиятидан тушган 94 млн. 334 минг сўм нақд пулларни НКМдан ўтказмай, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузади.

Муқаддам икки бор судланиб, тегишли жазога тортилган Ш.Исоковга нисбатан суд ҳар ой иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ундириш шарти билан салкам уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хўсусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Бу борада Президентининг Фармонлари, ҳўкумат қарорлари қабул қилинди. Шў боис юртимизда ишбилармон хўсусий тадбиркорлар сафи тобора кўпаймоқда. Айниқса, фўолиятини қонуний асосда олиб бораётган тадбиркорларнинг иши ўғилдан келиб, ривож топаётган. Лекин орамизда қўштирноқ ичлагчи тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Қонунни четлаб...

Ботир КўЧҚОРОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Амурдўр
туман бўлими бошлиғи

Ходимларимиз томонидан бундай ҳўлатлар бўйича кескин чоралар қўриляпти. Жумладан, шў йилнинг 9 ойи давомида 12 та қонунбузарлик ҳўлатлари аниқланиб, шундан 7 ҳўлатда жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, Амурдўр туманидаги "Ўрта қалъа" овул фўкарлар йиғинида яшовчи фўкар О.Эшмановнинг қонунни четлаб, мўмай даромад топиш мақсадида яширин фўолият юритаётганлиги ҳақида келиб тушган тезкор маълумотнома асосида туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган рейдда ҳақиқатан ҳам Ойбек Эшмановнинг ноқонуний иш олиб бургани маълум бўлди. Ўзига қўлбола ҳўвўз қўрдириб олган бу "тадбиркор", электр энергиясидан ўзбошимчилик билан фўйдаланган ҳолда пахта чигитидан ёғ ишлаб қичариш билан шуғулланиб келган. Тадбирча унинг ҳўвўзхонасидан турли ускуналар, тозаланмаган пахта ёғи, чигит, қўнжара, кабель, электрўвтомат ҳамда қозонлар ашёвий далил сифатида олинди.

Яна бир мисол. Ушбу қишлоқ фўкарлари бўлган Мўхаммад Ишимбетов ва Зокир Худойбергеновлар "Кўйик кўпир" ОФЙда жойлашган "Хитой" пахта пунктидан 3 млн. 422 минг сўмлик 5320 кг пахта чигитини туман тайёрлов идорасига тегишли бўлган тракторда қўшилари Болтабўй Худойбергенов ва Хўшўрўй Янгйбўеваларнинг уйига туширган вақтда ушландилар. "Кўвўн қўвўни кўриб ранг олади", деб шўнга айтсалар керак-да!

"Қилмиш — қидирмиш" деганларидек, ҳар иккала ҳўлат бўйича айбдорлар ЖКнинг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланади

Ҳуқуқларимизнинг ишончли кафолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинади. Шу муносабат билан саҳифаларимизда Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият тараққиёти, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигига тўғриватган аҳамиятига доир туркум мақолалар бериб боришни мақсад қиламиз.



Ойноулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори

Хадемай, халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси, давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолати бўлиши Конституциямиз қабул қилинганига йигирма йил тўлади. Мана йигирма йилдирки, Конституциямиз тенг ҳуқуқлигимиз ва эркинлигимиз қомуси бўлиб келмоқда. Ушбу шонли йиллар мобайнида Асосий Қонунимиз демократик ҳуқуқий давлатчилик ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон ҳақида, унинг туб манфаатлари ва эҳтиёжи ҳақида ғамхўрлик қилган жамиятгина гуллаб-яшнайдиган, келахатқа дадил боқадиган, кундан-кун обрўси ошаётган, халқаро майдонда мустақам ўрнига эга бўлади. Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик давлатини барпо этиш мақсади замирида ҳам ана шу эзгу ниятлар мўжассам. Республика раҳбарияти Конституцияда илгари сурилган муқаддас қоидаларни ҳаётига ижтисодиёт билан татбиқ этиб келмоқда. Демократик принциплари жамият ҳаётига сингдириб бораётган, инсон қадр-қиммати ва шаъни улуғланаётган республикамизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этилибгина қолмасдан, балки ана шу ҳуқуқларни кишилар онгига сингдириш, уларни жамият қонун ва қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялаш ҳам эътибор қўйилган.

Ўзбекистон XXI асрга ўзи эркин, ҳурлигини қўлга киритган ҳолда кириб келди ҳамда ислохотлар, туб ўзгаришлар, жамиятни янгилаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Халқимиз учун мустақиллигининг ўтган йиллари сермазmun воқеаларга бой бўлди. Авваломбор, бу давр мобайнида миллий давлатчилигининг пойдеворини шакллантириш билан узвий боғлиқ бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, ўзда юксак инсонпарварлик гояларини мўжассамлаштирган Ўзбекистон Конституцияси эндиликда ҳаётимиз дастуриламалига айланди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортқ янги қонунлар қабул қилиниб, қўллаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратилди, йилдан-йилга давлатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллаштириб боришмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортқ халқаро шартномаларга қўшилди, БМТ ва ЕОҲТ доирасида қабул қилинган, муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш заруряти юзасидан келиб чиқадиган ишларни рўёбга чиқармоқда.

Конституция — бу давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, унинг иж-

тимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий табиатини ифода этади. Конституция давлатнинг ҳуқуқий асосидир, унга мувофиқ ҳокимият ва бутун давлат механизми фаолият кўрсатади. Асосий Қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди ва ҳимоя қилади, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларини, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланиш жиҳатларини белгилаб беради.

Конституцияда Ўзбекистон халқининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат гояларига содиқлиги эълон қилинди ва у демократиянинг умуминсоний принципларига асосланди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади. Республикамиз Конституцияси Асосий Қонун сифатида қонунчиликнинг ривожланиши учун қудратли туртки бўлди. Конституция асосида мана йигирма йилдирки, республика меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг бутун мажмуи қайта кўриб чиқилмоқда ва ислохотларимизнинг ташкилий-ҳуқуқий замини янада мустақамланмоқда.

Ҳозирги замонда кечаётган глобаллашув жараёнлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қулай шaroит яратмоқда. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши уларнинг ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлиги ва халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсири чуқурлашишга олиб келади. Қў сонли халқаро нормалар давлатлар ички қонунчилигининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Зеро, бу ҳуқуқлар мажмуи давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимини, унинг демократия даражасини белгилайди. Демократия давлат шакли ва халқ ҳокимиятичилигининг ажрол кўришидир, давлат эса халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳаси ва унга ривожланиш устидан назорат механизминини ташкил этиш стандартларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамжамият катта таърибага эга. Дунёдаги илгор маданиятли давлатларда бу соҳада тўлланган таъриба республикамизда муваффақиятли қўлланмоқда. Уларнинг таъминлиниши кафолати — давлат, унинг номидан эса ҳокимият ва бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, ижтимоий ҳимояланиш таъминлашнинг муҳим кафолатидир. У ўзбек давлатчилиги ва фуқаролик жамияти ривожланишининг истиқболларини белгилаб берибди. Ўзбекистон Республикаси бўғунги кунда ҳам қўшни давлатлар билан тенг ҳуқуқли шерикчилик, қўшничилик муносабатини ўрнатади. Ўзбекистонини улар билан чуқур тарихий, маънавий,

диний ва маданий бирлик боғлаб туради. Зеро, яхши қўшничилик муносабатлари доим Ўзбекистон аъналаридан ҳисобланиб, у шундай бир қадриятки, минтақамизда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим омил бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ўтган йиллар давомида жаҳокаш Афғонистон тупроғида тинчлик ва оқошталлик ўрнатишга йўналтирилган кўпгина конструктив ташаббуслар билан чиқди. Шунингдек, Ўзбекистон кўпгина узоқ ва яқиндаги хоржий давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Давлатимизнинг ҳамкорлик қўлами кенг асосга қўрилган бўлиб, у эндиликда бутун ер кўрасининг беш қитъасини эгалдайди.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташки сиёсатида конституциявий принципларга оғишмай ривож қилиб, оқилона, мулохазали, вазмин, прагматик ва олдиндан кўра билиш билан ажралаиб турадиган ташки сиёсат доктринасини амалга оширмоқда. Бу қоидаларни амалга оширишда Ўзбекистон халқлари ва бошқа давлатлар ўртасида яратиш, ҳамкорлик ва шерикчилик тамойиллари етакчи рол ўйнайди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди. Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққиётимиз учун муҳим бўлган чет эл сармояларини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шугулланишлари учун муҳим ҳуқуқий-иқтисодий механизмлар яратилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар одамларнинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзини яхшилашга йўналтирилгани билан ҳам алоҳида ажралаиб туради. Ижтимоий соҳадаги ислохотларда ўтиш даврининг қийинчиликлари эътиборга олинди, аҳолининг ҳам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат-марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафқуралар ва фуқароларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиш қайд этилган бўлиб, бу фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшми ҳуқуқлари орқали рўёбга чиқаришмоқда. Ўтган йиллар мобайнида қўллаб турли бирлашмалар: сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, уюшмалари сонининг мунтазам ўсаётганлиги юртимизда фуқаролик жамияти шаклланиб бораётганлигининг ёрқин далилидир. Уларнинг ма-

қоми ва фаолияти мустақам ҳуқуқий заминга таянади. Улар фаолияти эса Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунлари билан тартибга солинади.

Ҳозирда Республика Адлия вазирлигининг расмий рўйхатидан ўтган 400 дан ортқ республика ва халқаро миқёсдаги жамоат бирлашмалари, вилоятларнинг адлия бошқармаларида 5000 дан ортқ рўйхатга олинган қўллаб маҳаллий марказдаги жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун", "Болалар" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маънавият ва маърифат кенгаши ва жамоатчилик маркази", "Амир Темур", "Имом ал Бухорий", "Олтин мерос" халқаро жамғармалари ҳам фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун фуқароларга виждон эркинлигини кафолатлайди. Буларнинг амалий ифодасини юртдошларимиздан 50 мингга яқин киши мустақиллик йилларида муқулмонлар учун муқаддас қадамжоларга зиёрат қилишга мушарраф бўлганлари мисолида қўришимиз мумкин.

Бош Қомусимизда, унга мувофиқ қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзининг тўла ифодасини топган. Тарихий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига хос жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида шу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий институтлар вужудга келтирилди.

Эндиликда республикамизда инсон ҳуқуқларига ривож этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шугулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили иш олиб бора бошлади. 1996 йилда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, 1997 йилда "Ижтимоий фикр" маркази ташкил қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мансабдор шахс ҳисобланиб, унга давлат органлари, кор-

хоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка ривож қилиниши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколати юклатилган. Вакил ўз ваколатини амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахслардан алоҳида мустақил тарзда иш юритади ва Ўзбекистон Республикаси Парламентига ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил институти инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг мавжуд шакл ва воситаларини тўлдирди. Омбудсман институтининг ноёблиги шундаки, у прокуратура, суд ва бошқа давлат органларидан фарqli равишда, давлат индивидуал манфаатга тегишли низоларни ҳал этиш йўналишига кўра давлатга ҳам, фуқаролик жамиятга ҳам бирдек тегишлидир. У турли давлат институтларини фуқаролик жамиятининг аъзоларига нисбатан ўз мажбуриятларини виждонан бажаришга ундаб, фуқароларга ёрдам кўрсатади.

Асосий Қомусимизда кўра инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратишини таъкидлаб, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг қуйидаги бешта принципини кўрсатиб берди: биринчи — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини таъминлаш; иккинчи — инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида такомиллаштириш; учинчи — қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш; тўртинчи — суд ислохотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш ва бешинчи — аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралар ҳодимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Мазкур беш принцип мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини шаклланган. Эндиликда амалдаги қонунларнинг иқросини реал таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан мана шу муҳим ва долзарб муаммонинг ечимини инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарали фаолиятига ва ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳаёт мезонини ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ бўлади.

Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси бўлиб, жамиятимиз манфаатларини ўзда тўла акс эттирилади.

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаси

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги 308-сонли, 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги 842-сонли Қарорлари ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўтказилган назорат тадбирларида ушбу йўналишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланган.

Жумладан, назорат тадбирларида 1 млрд. 54 млн. сўмлик 8 704 бош чорва моллари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари бўйича 49 та жиноят иши қўзғатилган.

Масалан, Фориш туманидаги "Дарбоза" ширкат хўжалиги бош чўпони Қ.Кўйжигитов ўзининг жавобгарлигидаги 73 млн. сўмлик 647 бош, Кармана туманидаги "Кармана" ширкат хўжалиги бош чўпони Б.Халимов 55 млн. сўмлик 705 бош, Қонимех туманидаги "Қонимех" ширкат хўжалиги бош чўпони Ж.Ибраев 41 млн. сўмлик 345 бош чорва молларини талон-торож қилганлар.

Шунингдек, Учқудуқ туманидаги "Ўзунқудуқ" ширкат хўжалиги бош чўпони Ш.Нурмуратов 31 млн. сўмлик 330 бош, Мингбулоқ ширкат хўжалиги бош чўпони А.Тилеуов 57 млн. сўмлик 569 бош, Р.Тилеумажанбетов 11,6 млн. сўмлик 107 бош, "Алтинтау" ширкат хўжалиги бош чўпони Қ.Ризақулов 5,4 млн. сўмлик 60 бош, Қонимех туманидаги Қонимех ширкат хўжалиги

бош чўпони А.Айтмуратов 5,1 млн. сўмлик 79 бош майда шохли молларни талон-торож қилганлар.

Тахтакўпир туманидаги "Мулк" ширкат хўжалиги бош чўпони Н.Жокебаев томонидан эса 21,5 млн. сўмлик 189 бош майда шохли моллар талон-торож қилинган.

Бундан ташқари, Хўжайли туманлараро давлат ўрмон хўжалигида 20,4 млн. сўмлик 17 бош йирик шохли қора-молларнинг талон-торож қилинганлиги ҳолати ҳам аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Жойларда шунингдек, ветеринария хизмати идоралари фаолиятида ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, Кизирик туман ветеринария бўлимида ўтказилган текширишда насли моллар зотини яратиш, чорва молларини сунъий қочириш ва бош сонларини ташкил этишда қонунбузилишга йўл қўйилганлиги, қуйдириш ва қутуриш касаллигига қарши аҳоли чорва молларини эмлаш режалари бажарилмаганлиги, эпизоотик барқарорлигини таъминлаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан туман ветеринария бўлими бошлиғига аниқланган қонунбузилишга, уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдирнома киритилган.

Пахтаобод туман ветеринария бўлимига келтирилган дори воситалар ва вакциналарни сақлаш учун ажратилган 2 дона музлатгич носоз эканлиги, хоналарда кунлик тазовал ишлари амалга оширилмаганлиги аниқланиб, тегишли прокурор назорат

ҳужжатлари қўлланилган.

Шу каби қонунбузилиш ҳолатлари Вобкент туман ветеринария бўлимида ҳам аниқланган.

Ачинарлиси, чорвачиликни ривожлантириш учун ажратилган кредит маблағларининг талон-торож қилиниши ҳолатлари ҳам мавжудлиги бўлиб, масалан, "Халқ банки"нинг Бўстонлиқ туман филиали мансабдор шахслари 8 та ҳолатда қорамоллар сотиб олиш учун ажратилган 23,5 млн. сўмлик кредит маблағини талон-торож қилишган.

"Ипотека банк"нинг Бекобод филиали ходими З.Сатинов ва бошқалар томонидан эса қорамол сотиб олиш учун 2,5 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағи ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан олиниб, ўзлаштирилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳам жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар қўрилган.

Шунингдек, жойларда ажратилган ер майдонига нисбатан чорва бош сонларининг кам эканлиги аниқланган.

Хусусан, Янгиарик туманидаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларининг ер майдонига нисбатан "Хусанбой Қадамбой" фермер хўжалигида 2 шартли, "Ражабов Латиф" фермер хўжалигида 2 шартли, "Жумёз Аваз ўли Урин Узун" фермер хўжалигида 8 шартли ва "Матқурбонов Хамдат" фермер хўжалигида 10 шартли бош қорамол кам эканлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан туман ҳокими номига аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдирнома киритилган.

Озуқа базасининг етишмаслиги, чорва молларини сақлаш биноларининг талаб

даражасида эмаслиги, ветеринария хизматлари фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжудлиги туфайли 45 987 бош чорва моллари турли касалликларга чалинганлиги оқибатида, уларнинг бир қисми мажбурий сўйилган, бир қисми эса ҳаром ўлган.

Масалан, "Дельфин" МЧЖ мансабдор шахслари қонуний равишда чечак касаллигига қарши эмламани муомалага киритиши оқибатида Бахмал, Фаллаорол, Жиззах, Зомин, Зарбдор, Фориш ва Янгиобод туманларида 824,3 млн. сўмлик 2 944 бош майда шохли молларнинг алпи қирилиб кетишига сабабчи бўлишган.

Шунингдек, Ғузор тумани, Халқабод қишлоғида яшовчи А.Тўхтаев 2012 йилнинг 5 сентябрь ойида ўзи ва ақин қариндошларининг 173 бош майда шохли молларини чечак касаллигига қарши эмлаш учун Қарши шаҳридаги "Умид" чойхонаси олдида жойлашган хусусий ветеринария дорихонасидан эмлама сотиб олиб, эмлаганлиги оқибатида 151 бош майда шохли моллари нобуд бўлган.

Бундай ҳолатларни Нуробод, Касби, Нишон, Деҳқонбод, Косон ва Қарши туманларида ҳам қўзатиш мумкин. Бундан ташқари, чорвачилик йўналишида фойдаланиш учун ажратилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилганлиги ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги 842-сонли Қарорининг 3-бандида чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжалиқларга, шунингдек, парран-

У.АХУНОВ,
Бош прокуратура бўлим
катта прокурори

дачилик қорхоналарига ажратилган сугорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эхтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди, деб белгиланган бўлса-да, КеҒейли туман ҳокимининг 2012 йил 1 мартдаги 119-03-сонли қарорининг иловасига мувофиқ, чорвачиликка ихтисослашган "Кишкене кум" фермер хўжалигига 40 гектар, "Туискан" фермер хўжалигига 10 гектар, "Танг жулдузи" ва "Е.Алланазаров" фермер хўжалиқларига 25 гектардан пахта экиш режаси белгиланган.

Туман ҳокимининг мазкур қарори прокурор протестига асосан бекор қилинди.

Шунингдек, 82 тонна омухта емининг талон-торож қилинишига йўл қўйган мансабдор ва моддий жавобгар шахсларга нисбатан кескин чоралар қўрилган.

Мазкур йўналишда прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 166 та тақдирнома киритилди. 60 та қонун талабига зид ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш юзасидан протестлар келтирилди. 648 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, етказилган 18,7 млн. сўмлик моддий зарар айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилди. Судларга 63,5 млн. сўмлик 195 та даъво аризалари киритилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 49 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 425 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Болалар таъминоти қонун ҳимоясида

Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан юртимизда 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилинганлиги муносабати билан алимент тўловларининг ундирилишига доир икки ҳужжатлари аҳволи таҳлил қилинди.

Аниқланишича, шаҳар суд иккочилар бўлимида жорий йилнинг 1 август ҳолатига 11041,4 минг сўмлик 37 та алимент ундириш билан боғлиқ икки ҳужжатлари қолдиқда қолган бўлиб, шундан 4384,1 минг сўмлик 15 та икки ҳужжати бўйича қарздорлар томонидан алимент қарздорлиги тўланган. 1845,4 минг сўмлик 5 та икки ҳужжати алимент ундириш учун қарздорнинг иш ҳақига қаратилган. 242,2 минг сўмлик 1 та икки ҳужжати бўйича қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиниб, икки қилиш учун ИИБга юборилган. 1149,3 минг сўмлик 3 та икки ҳужжати суд ажримига асосан бекор қилинган.

2012 йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар прокуратураси томонидан мазкур йўналишда олиб борилган назорат тадбирлари давомида 30 та икки ҳужжатлари бўйича 31 млн. 463 минг сўмлик алимент тўловларининг амалда тўлиқ ундирилиши ва ундирувчининг манзилига почта орқали юборилиши таъминланган.

Жумладан, шаҳар суд иккочилар бўлими иш юритувида бўлган, фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2011 йил 20 октябрдаги икки ҳужжати асосан қарздор О.Садриевдан ундирувчи Н.Бозорованинг фойдасига алимент ундирилиши лозим эди. Бироқ 2 нафар фарзандининг таъминоти учун қарздор 4 нафар ортқ вақт мобайнида алименти тўлашдан бўйин товлаб келмаётган бўлса-да, суд иккочиси Б.Бобоқулов қонунда белгиланган икки ҳаракат-

Зарфар РИЗАЕВ,
Зарафшон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

ларини лозим даражада бажармаган. Унга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва 473 минг сўм пул маблағи бевосита шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан ундириб берилди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2009 йил 21 майданги икки ҳужжати асосан, қарздор Х.Махмудов ундирувчи Т.Понимаренковнинг фойдасига 2011 йил декабрь ойи ва 2012 йилнинг январь-апрель ойлари учун 260 минг сўм алимент тўловлари тўланмасдан келинмаётганлиги аниқланиб, қарздор томонидан 260 минг сўм пул тўлаши таъминланди.

Бундан ташқари, Ю.Мишинанинг собик турмуш ўртоғи Е.Мишин томонидан 2011 йилнинг июль ойидан 2012 йилнинг апрель ойига қадар тўлаши лозим бўлган алимент пуллари шаҳар почтаси томонидан Ю.Мишинанинг яшаш манзилига жўнатилмаётганлиги ҳолати аниқланди. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан Ю.Мишинанинг 2011 йилнинг июль-декабрь ойлари учун 5 млн. 157 минг сўм, 2012 йилнинг январь-апрель ойлари учун 1 млн. 110 минг сўм миқдордаги алимент пул тўловлари кўчириб берилиши таъминланиб, шаҳар почта алоқа тармоғи бошлиғи А.Шакароева нисбатан пул тўловларининг ўз вақтида ўтказилишини таъминламаганлиги учун интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рўхсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рўхсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинчилик ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДҚДК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва murojaatlarni кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Бозор муносабатлари шароитида хусусий мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мулкдорларнинг ваколатларини амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусий мулк эгалари учун мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳамда мулк ҳуқуқига нисбатан ҳар қандай қонунбузилишларни бартараф этишнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилганига эса, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бекиёс аҳамият касб этади.

Мустақкам ҳуқуқий кафолат

А.НАЗАРОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Таъкидлаш жоизки, мулкдор бўлиш ҳар бир шахсининг конститутивий ҳуқуқи ҳисобланади. Мулкдор бўлиш нафақат мулкка нисбатан эҳтиёжни қондириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам қамраб олади. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида юртимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк ҳуқуқини мустақамлайдиган ишончли қонунчилик базаси яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омилли ҳисобланган хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва ишончли ҳуқуқий кафолатлар шакллантирилди.

Мазкур ҳолатлар негизда Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да ҳам хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлаш таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш заруритидан келиб чиқиб, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги эътироф этилди.

Концепцияда билдириб ўтилган ана шу вазифаларни бажариш ва Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан тасдиқланган "Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ни амалга ошириш чора-тадбирлари "Дастури" 1-бандининг ижроси сифатида 2012 йил 24 сентябрда "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Айтиш лозимки, мазкур қонун хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг энг ишончли ва мустақам кафолатларини назарда тутуви қўллаб қўллайдиган ўзига ифода қилади. Жумладан, қонунда белгиланган энг муҳим ҳуқуқий кафолатлардан бири хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги қондасидир. "Дахлсизлик ва давлат ҳимоясида бўлишлик", хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида ўзига хос ўринга эга бўлиб, биринчи навбатда, "дахлсизлик", деганда, шахсининг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатлар билан у ёки бу даражада тасвир ўтказишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилди. Иккинчидан, "дахлсизлик" — ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда ҳўжалик ҳукмронлигидаги объектнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан холи бўлишини қонун билан таъминланганлигини ҳам англатади. Янги қонунда белгиланган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг бузилиши ва у билан боғлиқ манфаатларга ҳар қандай пўтур етказилишининг тақиқланиши ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи, у кимга тегишли бўлишдан қатъи назар, фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусий мулк дахлсизлигининг мазмунини ифода қилади.

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуннинг мазмунинида хусусий мулк ҳуқуқи учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган кафолатлар: ху-

сусий мулк ҳуқуқининг мўддатсизлиги, бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши, мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги мустақамланган бўлиб, уларда мулкдорлар ҳуқуқларининг амалда бўлиши муайян мўддат билан чекланмаслиги ва бу ҳуқуқларнинг устувор эканлиги қатъий белгиланган. Қонунда шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда амалдаги қонунчиликда белгиланган анъанавий усуллар билан бирга, янги усуллар ҳам назарда тутилган. Мазкур усуллар сифатида хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш, мол-мулкнинг айрим турларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келганлиги, ўзгарганлиги ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш каби ҳолатларни келтириш мўмкин.

Шу билан бирга, янги қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган кафолатларда мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишда унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган чоралар белгиланган. Жумладан, мазкур модданинг 3-қисмида "олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-драхтларни қўпориб ташлашга зарарининг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунча қадар йўл қўйилмаслиги" нормаси мустақамланган бўлиб, у бугунги кунда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўла мос келади ва демократик бозор принципларидан келиб чиқади.

Мулкдорлар ҳуқуқларининг навбатдаги муҳим кафолати, бу қонуннинг 24-моддасида белгиланган "хусусийлаштириш натижалари қайта қўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги" қондасидир. Бинобарин, хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларда, хусусий мулкдорларнинг манфаатларини таъминлашда ушбу норма муҳим кафолат бўлади ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўзига хос муҳитни вужудга келтиради.

Қонунда назарда тутилган муҳим қондалардан яна бири сифатида хусусий мулкдорнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда давлат органлари масъулиятининг оширилганлиги ҳисобланади. Хусусан, қонуннинг 20-21-моддаларида мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга хилоф эгаллигидан талаб қилиб олишда, мулкдор ҳуқуқларининг эғалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишда давлат органлари мулкдорга қўмаклашиши шартлиги белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур қонуннинг асосий мақсади мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш кафолатларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳисобланади ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги асосий тамойиллар ва қондаларни мустақамлашчи базавий қонун сифатида ҳам эътироф этилади.

Мазкур қонун жамият ва давлатнинг ривожланиши учун асос сифатида хизмат қиладиган хусусий мулк иқтисодиётда самарали амал қилиши учун қулай шароитларни яратади. Ташаббускорлик, меҳнатдан манфаатдорликни қўлайитириб, мулкдорнинг фаровонлигини ошириш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини кафолатлайди.

Суд қарорининг ижроси

уни амалга ошириш — жамиятда қонун ўстуворлигини таъминлаш демакдир

М.ДУСМАТОВА,
хуққуқшунос

Хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ва унинг ваколатига тегишли бошқа ишларни ҳал этишда тарафларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилуви ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган суд ҳужжатларини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 14-моддасига биноан қонуний қўлга кирган суд ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, балки мансабдор шахслар ва фуқаролар учун ҳам мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Суд ҳужжатининг ижросини таъминлаш бугунги кунда адолат барқарорлиги мезони сифатида баҳоланмоқда. Бу масаланинг нақадар муҳимлиги жамиятда қонун ўстуворлигини таъминлаш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, олдини олиш, тадбиркорлар синфини тарбиялаш, фаолиятини белгиланган талаб даражасида олиб бориш, солиқ ҳам мажбурий тўловларни вақтида тўлаш билан узиб боғлиқдир.

Қабул қилинган суд ҳужжатлари ижросининг назоратини амалга ошириш хўжалик судининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ваколат ижро жараёнида юзага келадиган муаммолар бўйича тарафларнинг ҳамда суд ижросининг ариза ва шикоятларини қўриш орқали амалга оширилади. Амалда суд ҳужжатининг ижросини таъминлаш борасидаги келишмовчиликлар асосан суд ижросчилари билан боғлиқ бўлади. Бироқ, мансабдор шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган баъзи турдаги суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш масаласи ҳам эътиборга молик ҳисобланади. Шу сабабли суд ҳужжатининг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган ҳар бир мансабдор шахс масъулиятини тўлиқ англаб етиши, хатти-ҳаракатларининг барча оқибатларини олдиндан қўра билиши, мақсадга эришиш йўлида изчил интилиши, ўз ҳаракатлари натижалари учун шахсан жавобгарлигини зиммасига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси халқ таълими бўлимининг болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўйича танлов ғолиби билан олди-сотди шартномасини тузишга мажбурлаш ҳақидаги Самарқанд вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори ижроси таъминланмаганлиги сабабли хўжалик судига тегишли чора қўришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани қўриш жараёнида аниқлашчи, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Самарқанд вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, халқ таълими бўлимининг болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўйича танлов ғолиби билан олди-сотди шартномасини тузишга мажбурлашни сўраган. Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2010 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. Халқ таълими бўлими Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, танлов ғолиби ва Халқ таълими бўлими ўртасидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳини сотиш шартномасини олди-сотди шартномасини тузишга мажбур қилинган. Бироқ, хўжалик судининг мазкур ҳал қилув қарори ижроси таъминланмасдан, олди-сотди шартномаси расмийлаштирилмаган.

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги вилоят, туман, шаҳар бўлиmlарининг ташкилий-ҳуқуқий шакли юридик шахс мақомидаги муассаса, уларга бириктирилган мулклар эса давлат мулк ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ўз ваколати доирасида давлат мулкни тасарруф этишга ҳақли.

Халқ таълими бўлими балансидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва Давлат мулк қўми-

тасининг буйруқларига асосан очик танлов савдоларига чиқарилган. 2009 йил 6 мартда ўтказилган танлов савдоси комиссияси мажлисининг баённомаси қарорига асосан энг юқори сотиб олиш баҳоси (24 050 АҚШ доллари) ҳамда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олган масъулият чекланган жамият савдо ғолиби деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 377-моддаси биринчи қисмига қўра ушбу кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта(шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда, бу тараф оферта олинган кўндан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаш тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак. Шу модданинг олтинчи қисмига қўра, агар ушбу кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Халқ таълими бўлимининг бошлиғи судда қўрсатма бериб, оромгоҳнинг ерлари ўрмон хўжалигига тегишли эканлиги ва мулкнинг олди-сотдиси қасаба уюшмаси розилигисиз амалга оширилганлигини ваҳ қилиб қўрсатиб, хўжалик судининг олди-сотди шартномасини тузишга мажбурлаш ҳақидаги қарорини ҳам ижро қилмасдан келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарори 2-иловаси билан тасдиқланган "Давлат активларини биржадан ташқари савдоларда, шу жумладан, инвестиция мажбуриятлари билан сотиш тартиби тўғрисида" ги Низомнинг 50-бандига қўра, агар савдо ўтказиш тўғрисидаги билдирилганда ўзгача мўддат қўрсатилмаган бўлса, баённома имзолангандан кейин 20 кундан кечикмай сотувчи ва ғолиб ўртасида давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилиши лозим. Шунингдек, мазкур Низомда сотилган давлат активларини балансида савловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўрсатилган бўлиб, олди-сотди шартномаси балансида савловчи томонидан имзоланиши талаб этилади.

Асосли бўлмаган вақлар билан суд қарорининг ижросини таъминламаган халқ таълими бўлими мудирининг ҳаракатсизлиги ноконуний деб топилди, унга нисбатан интизомий жавобгарлик қораси қўллаш ҳақида вилоят халқ таълими бошқармасига хусусий ажрим қилинди. Интизомий ҳазо қораси қўллангандан кейингина хўжалик судининг ҳал қилув қарори ижро этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, танлов ғолиби ва Халқ таълими бўлими ўртасидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳини сотиш бўйича олди-сотди шартномаси имзоланган.

Ваҳоланки, суднинг қонуний қўлга кирган ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шартлиги Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Судлар тўғрисида" ги Қонун, Хўжалик процессуал кодексига ўз ифодасини топган. Аслида ҳеч қандай низоли вазиятни келтириб чиқаришга олиб келмайдиган ҳолат юзасидан судлашув, давлат мулкни тасарруф этишдаги баландса қасловчи муассаса бошлиғининг ғайриқонуний ҳаракатсизлиги натижасида болалар оромгоҳи объектида бир неча ойлар таъмирлаш ишларининг кечиктирилишига сабаб бўлди.



Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида устуворлик берилмоқда. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг том маънодаги мустақам таянчига айланди.

Иқтисодиётнинг мустақам таянчи

Эгамберди РЎЗИЕВ,
Иштихон туман прокурори ёрдамчиси

Бугунги кунда Иштихон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши қурилиш ва қишлоқ ҳўжалигида 100 фоиз, саноатда 40 фоиз, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда 43 фоиз, йўловчи ташишда 93 фоизни ташкил этмоқда. Меҳнат билан банд аҳолининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда.

"Мустақам оила йили"да оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга янада кўпроқ аҳамият берилди. 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бунга яна бир ёрқин мисолдир. Ушбу қонунда мана шу жабҳада олиб борилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси белгилаб берилди.

Қонун билан оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги, юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширилаётган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли эса — "Оилавий қорхона" этиб белгиланди.

Оилавий қорхона ташкил этиш учун фуқаро туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясига паспорти, таъсис шартномаси ва бир минимал иш ҳақи миқдоридаги давлат божини тўлаб, ариза билан мурожаат этиши билан икки кун ичида давлат рўйхатига олинади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан солиқ ставкалари янада пайсантирилди.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўрта ва юқори шкаладаги ставкалари ўзгаришсиз қолдирилиб, қўйи шкаласи бўйича ставка 10 фоиздан 9 фоизгача, ҳизмат кўрсатиш соҳасидаги, айниқса, сартарошлик ва бошқа шу каби маиший хизматларни кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкалари ўртача 2 бараварга камайтирилди.

Худди шунингдек, уй шароитида халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий солиқ тўлаиши бўйича солиқ имтиёзи 2014 йил 1 январгача узайтирилди.

Республика Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган сийсатнинг узвий давоми бўлиб, бу соҳада ўзрайдиган қозғобозлиқни кескин камайтириш йўлидаги муҳим воқеа бўлди.

Ушбу фармон билан бир қатор давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турлари бекор қилинди ва бир-бирини тақорловчи шакллари бирлаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдори, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ариза ва ҳисоботларини интерактив хизматлардан фойдаланиб электрон тарзда интернет орқали солиқ ва статистика органларига юборилиши солиқ тўловчининг ҳисобот тайёрлашга ва топширишга кетадиган вақтини тежалишига ҳамда ҳисобот қабул қилувчилар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган бюрократик ҳолатларга тўла барҳам беради.

Энди янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари муҳр ва штамплар яратиш учун махсус рухсатномалар олиши, банкларда ҳисоб рақами очиш учун имзо намунасини нотариал тарзда тасдиқлашти шарт эмас. Бу эса тадбиркорнинг анчагина вақти ва маблағларининг тежалишига имкон беради.

Мамлакатимизда кичик бизнесга берилаётган катта эътибор ўз навбатида тадбиркорларга фаолиятини янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар вужудга келтиради, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга том маънода имкон яратади. Зеро, олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда янада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишдан иборатдир.

Ишбилармонга янада эркинлик бериш — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июль кунги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар комплексини белгилаб берди.

Республикада иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш қўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими шунини кўрсатмоқдаки, 2000 йил билан таққослаганда, кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизга қўлайиб, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сонини шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошган ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоиздан кўпроғи унинг улушига тўғри келган.

Ушбу ютуқлар билан бирга, фармонда қўйидаги камчиликлар, яъни ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва таъминллари, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келмаёт-

ганлиги, тадбиркорлик фаолиятини ортқича регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартафат этилмаганлиги, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошқора маъмурий тартибларга ҳамон амал қилинаётганлиги, бюрократик тўсиқ ва ғовларга ханузгача барҳам берилмаганлиги ҳам қайд этилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқининг устуворлиги қонун даражасида жорий этилганлиги таъкидланиб, ушбу масалаларнинг амалий ечими сифатида ҳозирда халқаро амалиётда қабул қилинган, регламентга солувчи тартибларни янада соддаллаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ҳамда назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабат-

Байрам НАУРИЗБАЕВ,
Қўшқўпир туман прокуратураси
терговчиси

ларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шакллари ҳамма жойда кенг татбиқ этиш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, фармонга мувофиқ, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг банк ҳисоб-варақаларига масофадан туриб "интернет-банкнинг" хизмат кўрсатиш тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари, юқларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан декларация қилишлари, "бир ойна" таъминли бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олишлари, тадбиркорлик субъектларининг давво аризалари ва илтимосномалари юқли ҳўжалик судларига бериш каби тартибларни ўз хоҳишларига қўра электрон шаклда амалга оширишлари мумкин. Тўхорат банкларига тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб-варақаларига хизмат кўрсатганлиги учун ундирилган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилган.

Бозорларимиз қиёфаси ўзгармоқда

Республика бозорлари ҳамда савдо комплекслари фаолиятини ташкил этиш, уларни бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва савдо қилиш шароитларини яхшилаш мақсадига Ўзбекистон Республикасини Вази́рлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 28 августда "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг 1-иловасига асосан, "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш, улар ҳудудини ободонлаштириш, объектларни жойлаштириш ва бозорларни жиҳозлашга қўйиладиган умумий талаблар белгиланди. Шунингдек, ушбу қоидаларда уларни бошқариш, сотувчилар ва бозор маъмуриятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тадбиркорларга савдо ўринларини бериш ҳамда ихара тўловлари ва уни ундириш тартиблари, товарларни сотишга қўйиладиган талаблар, уларга солиқ солиш тартиблари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, мазкур қоидаларда яна бозорлар ва савдо комплексларини, уларга туташган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини, шунингдек, бу ҳудудларда фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг мазкур қоидаларга, солиқ тўғрисидаги қонунларга, савдо фаолиятини тартибга солувчи нормаларга риоя қилишини назорат қилиш, қонунда белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Қарор талабларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасини Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслар фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси вилоят бўлими томонидан доимий назорат ўрнатилган.

Вилоят ҳудудидида ҳозирда жами 31 та бозор ва савдо комплекслари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 22 таси юридик шахс мақомидаги бозорлар бўлса, 9 таси савдо комплексларидир.

Л. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини
назорат қилиш Бош бошқармаси
Навоий вилоят бўлими бошлиғи

Вилоят бозорлари ва савдо комплекслари ҳамда улар ҳудудларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини юқоридида қайд этилган қарор ҳамда солиқ тўғрисидаги қонунларга, савдо фаолиятини тартибга солувчи нормалар ва қоидаларга риоя этишларини назорат қилиш учун Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслар фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси вилоят бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 279 та рейд ва қисқа муддатли текширишлар ўтказилди.

Ўтказилган текширишларда ноқонуний тарзда савдога чиқарилган, сифат сертификатсиз, божхона ҳўжжатлари билан расмийлаштирилмаган ҳамда бухгалтерияга оид қирим ҳўжжатлари бўлмаган жами 392,1 млн. сўмлик (шундан 254,6 млн. сўмлик 64,9 фоизи чет давлатларда ишлаб чиқарилган) товарлар ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Тўпланган материаллар асосида ҳуқуқбузарлик содир этган 255 нафар шахсга нисбатан маъмурий ишлар қўзғатилиб, Давлат солиқ инспекциялари ва суд қарорлари асосида уларга нисбатан 34,4 млн. сўмлик маъмурий жарималар қўланилди. 11 тасида эса жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, уларнинг 6 тасига жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, ўтказилган текширишларда назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаган ва қирим ҳўжжатларисиз маҳсулотларни савдога чиқарган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 127 ҳолат бўйича 499,8 млн. сўмлик молиявий жарималар қўланилди.

Бундан қўзланган асосий мақсад, бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ҳамда харидорларга сифатли маҳсулотлар етказиб берилишини таъминлашдир.

Саҳна ортида ўзлаштирилган миллионлар



Театр деганда, маҳорат билан ижро этилиб, халқнинг кўнглидан жой олган "Тошбола оши", "Келинлар кўзголини", "Парвона", "Қиёмат қарз", "Чиниллик", "Анашли келинчақ" каби қатор спектакллар кўз олдимизга келади. Ҳатто бундай саҳна асарлари телевидение орқали эфирга узатиладиган томошабин ҳар қандай ишини ташлаб бўлса-да, уни томоша қилишга ошқоқ. Айниқса, истиқлол йилларида давлатимиз томонидан соҳага бўлган эътибор кучайиб, уларнинг моаллий-техник базаси тубдан яхшилани. Театр бинолари замонавий кўринишга келтирилиб, жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланди. Хуллас, республикамиздаги театрлар мустақиллик туғайли ўзгача қиёфа касб этди.

Афсуски, бундай таҳсинга лойиқ ишлар, яратилган шарт-шароитлар қадрига етмай, аксинча, театрга ажратилган маблағларни талон-торож қилаётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрининг директори Хомид Орипов, бош ҳисобчи Муҳиддин Қличев ҳамда газначи Нарзулло Қапаровлар маҳаллий бюджетдан санъат даргоҳи учун ажратилган пулларни сал кам беш йил мобайнида ноқонуний ўзлаштириб, ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборишган.

Театрга ёшлигида ишга келиб, суяғи шу ерда қотган

Х.Орипов 2005 йилда ушбу даргоҳга раҳбар этиб тайинланади. Янги бошлиқ фаолиятининг дастлабки йилларида театрни ривожлантириб, муҳлислар эътиборини қозонишга ҳаракат қилди. Аммо орадан икки йил ўтар-ўтмас бош ҳисобчи М.Қличев ҳамда газначи Н.Қапаровнинг гагига кулоқ тутиб, нафсига эрк бериб юборди.

Жиндий хатти-ҳаракатлар йўлида ўзаро бирлашган ўчовлон аввало театр штат бирлигини 104 нафар ишчи ходимга мўлжаллаб, вилоят молия бошқармасидан тасдиқлаб олишди. Режанинг кўнгилдагидек амалга ошаётганидан мамнун бўлган бош ҳисобчи М.Қличев вилоят газначилик бошқармаси

томон йўл олади. Санъат учун ким ҳам тўқинлик қиларди, дейсиз?! Тасдиқланган штатлар жадвалини газначилик бошқармасининг ходимлари индамай олиб қолишди. Шу билан иш битди. Энди ҳар ойда маҳаллий бюджетдан театрда ишлайдиган 104 нафар ходимга маош ажратилади. Аслида-чи? Тасдиқланган штатлар жадвалида вакант ўринлар кўп эди. Боши берк қўнада учрашган ўчовлон энди вакант ўринларга ажратилган пулларни ўзлаштиришни режалаштиришди.

Бундай ишларда устаси фаранг М.Қличев "ўлимдан бошқа нарсанинг чораси бор", дея энг шимариб ишга киришди. Яъни аввал театрга ишлаб, кейин бўшаб кетган ходимларнинг номларини тўлов қайнома-ларига киритади. Шундан сўнг, ҳисобчининг саяй-ҳаракатлари билан қалбаки қайно-маларга асосан банкдан пул олиб, сохта имзолар орқали кўп микдордаги давлат маблағ-ларини ўзлаштириш ва уни талон-торож қилиш қашф қилинади. Улар шу йўл билан 2007 йилда 43 млн. 27 минг 800 сўм, 2008 йилда 84 млн. 287 минг 632 сўм, келаси йил 38 млн. 355 минг сўм, 2010 йилда 4 млн. 863 минг сўм, 2011 йил-нинг августига қадар жами 170 млн. 533 минг сўм микдорда-ги нақд пуллари 64 та сохта тўлов қайнома-ларини билан газнадан ошқоқ олиб, ўз ман-фаатлари учун сарфлаб юбо-ришди.

Шуниингдек, улар томонидан 2007 йилда 4 млн. 722 минг 184 сўм, 2008 йилда 15 млн. 950 минг 950 сўм, 2009 йилда 56 млн. 345 минг 769 сўм, 2010 йилда 16 млн. 607 минг 705 сўм, жами 93 млн. 626 минг 608 сўм пуллар қалбаки тўлов қайно-малари орқали банкка тақдим қилиниб, театрдан бўшаб кет-ган ходимларнинг қолдириб кетган пластик қарточкаларига юклангани, сўнгра уздабурон ўчовлоннинг эҳтиёжлари учун сарфлангани маълум бўлди.

Қўлга киритилган нақд ва пластик қарточкага юк-лаб олинган жами 264 млн. 160 минг сўмдан зиёд пулларни қийналмасдан ҳазм қилиб юборган бу кимсалар боши берк кўчанинг яримдан қўпини босиб қўйишган эди. Содда қилиб айтганда, улар бу кўча-нинг охири "тулик" эканлиги-ни билсалар-да, юришда да-вом этавердилар.

Хусусан, ўчовлон Термиз шаҳар ДСИга топширилган расмий ҳужжатлар бўлган, М.Уйғур номидаги вилоят му-сикали драма театрининг 2007-2011 йиллар давомидаги ишчи-хизматчиларга ҳисобланган да-ромад солигининг йиллик ҳисо-ботларини қамайтириб кўрсат-ган ҳолда жами 19447,6 минг сўмлик давлат бюджетига тўла-надиган солиқ ва бошқа тўлов-

Дўстмуҳаммад БЕРДИМУРОВО,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

ларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Тергов жараёнида аниқлан-ган фактларга кўра, театр ди-ректори Х.Орипов, бош ҳисоб-чи М.Қличев, газначи Н.Қапар-овлар 2007 йилдан 2011 йил-нинг август ойига қадар санъат даргоҳининг молиявий ҳўжалик фаолиятида қасддан ягона мак-садга йўналтирилган, бир-би-рига ўхшаш жиноятларни со-дир этиб, катта микдордаги бюджет маблағларини ўзлаш-тиришган.

Жиноят ишини қўриб чиқ-қан Термиз шаҳар суди Х.Ориповга 7 йил, М.Қличев-га ҳамда Н.Қапаровга 8 йилдан озоодликдан маҳрум қилиш жа-зосини тайинлади. Шунинг-дек, улар 2 йил муддатга ман-сабдорлик ва моддий жавоб-гарлик юклатилган вазибалар-да ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Халқимизда санъат аҳли до-имо эъзозланади. Уларнинг меҳ-натлари билан дунёга келган юксак савияли ижод маҳсулла-ри томошабинлар томонидан қадрланади. Бироқ бу ишларга жиноят аралашса, албатта, қонун бўйича жазоланади.

Қонунбузарларга бепарво бўлиш оқибатида бундай иллатлар илмиз отиб, газак олади. Уларнинг қилмишлари назардан четда қолса, ик-кинчи жиноят учун яна йўл очилиши табиий. Дарҳақиқат, бепарво-лик, лоқайлик, боқибегамлик жамиятни ичидан емирувчи иллатлар. Атрофдагилар Ғайрат Ражабовнинг биринчи ўғрилига бепарволик қилишмаганида балки, у иккинчи марта жиноятга қўл урмаган бўлар-мики?

Бепарволик оқибати

Марсел АСХАДУЛЛИН,
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Ғ.Ражабов 1978 йилда туғилган, 2 фарзанднинг отаси. Яхши яшаш иштиёқида бўлган Ғайрат мўмай даромад илнжиди режа тузди. Бироқ, унинг режаси бошқаларникидан фарқ қиларди. Ширин ҳаёт кечирishi истигадиги инсонларнинг ақсариати тadbиркорликини, бирон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, касб-хунарини ишга солишни режалашти-рад. Бунинг учун эса републикамизда барча шарт-шароитлар, имкони-ятлар яратилган. Тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилмоқ-да. Фақат улардан оқилона фойдаланиш бўлди.

Ғайрат Ражабов эса даомад манбаини ўғрилидан излади. 2011 йил 15 декабрь кўни тахминан соат 24:00 ларда Янгибозор тумани "Бого-лон" кишлоқ фуқаролар йиғини биносига 1-қаватдаги дераза орқали кирди. 2-қаватдаги котиб хонаси эшигини бузиб очди-да, хонадаги "Сапоп-3228" русумли принтерни олиб чиқиб, уни Дониёр исмли та-нишига сотиб юборди.

Негадир бу воқеага кишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари эъти-борсизлик билан муносабатда бўлдилар. Балки бунга сабаб, кейинча-лик тергов жараёнида аниқланганидек, принтер фуқаролар йиғини ба-лансда эмаслиги, у фуқаро Марямжон Мадаминовага тегишли бўлга-нидир. Бироқ, кишлоқ фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқарувчи орган эканлигини, кишлоқдаги тинч-хотирхон турмушга айнаш шу идора масъ-уллигини эътиборга олсак, идорадаги қўлнинг бузилганлиги, бу ерда-да ўғрилика лоқайд муносабатининг сабабини аниглаш қийин. Ҳатто, М.Мадаминованинг ўзи ҳам негадир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора-ларига муурожаат қилмади.

Бу бепарволик эса Ғ.Ражабовга айна муддао бўлди ва у иккинчи бор ўғрилика қўл урди. Афсусланарлиси, Ғайрат иккинчи мартаба ҳам айнаш шу жойга "Боголон" кишлоқ фуқаролар йиғинига ўғрилика туша-ди. Худди аввалги сценарий билан, дераза орқали кириб, иккинчи қаватдаги котиб хонасининг эшигини бузиб очди. Энди, бу сафар битта принтер билан кифояланмади. У "Samsung-1670" принтерга қўшиб, "ЛЮС" русумли монитор, 2 донна колонка, клавиатура, процессоридан иборат компьютер жамланмасини ўғирлаб, бу ҳам етмагандай, "Бого-лон" кишлоқ фуқаролар йиғинининг муҳр ва штампларини, бир неча шахсларнинг меҳнат дафтарчаларини ҳам ўзи билан олиб чиқди.

Бепарво фуқаролар йиғини мутасаддилари шундан кейингина қонун ҳимоячиларидан қўмақ сўрашди. Тергов жараёнида Ғ.Ражабовнинг қил-мишлари фош этилди. Биринчи ҳолатдаги, принтер мижороси ҳам шундан сўнг очилди.

Ғ.Ражабов қонун олдида қилмишига яраша жазо олди. Лекин, унинг биринчи бор ўғрилиқ вақтида фош этилганда эди, тақрор қаттароқ ўғрилика қўл урмасди.

Тамагирлик «касалиги»

Вилотимиз шаҳар ва туманларида янги, замонавий мусика мактаблари қуриляпти. Эскилари таъмирланаяпти, мусикага ошурфта ёшарнинг таълим олиб, ёшдо-лаарини рўбёга чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилаяпти.

Қувабой шахридаги 11-болалар му-сика санъат мактабида ҳам болалар истеъдодларини чарҳлаб боришлар-и учун зарур шароитлар муҳайё этилган. Бироқ, сўнгги йилларда ушбу санъат ўчо-ғиди соғлом ижодий муҳит дарз кета бош-лади. Айрим ўқитувчиларнинг муурожаати асосида ўтказилган текширишда мансабдор шахсларнинг тамагирлик "касалигига" ча-лингандликлари аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.

Маълум бўлишича, мактабнинг илмий бўлим мудири Гулнорахон Раҳмонова амал-даги қонун-қоидаларни назар-писанд қил-масдан ўқитувчиларга ўз ҳукмини ўтказиш-га одатланган экан.

— Ҳамкасанинг касал бўлиб ишга чиқма-ди. Унинг ўрнига сиз дарс ўтасиз. 20 соат қўшимча дарс соатлари учун олган иш ҳақи-нигдан 50 минг сўмини менга берасиз.

— Ноҳақлик-ку бу, нега сизга ишлаб бе-рарканман?

— Майли, хоҳишингиз. Бошқа ўқитувчи жон, деб олади қўшимча дарс соатларини...

Унга эътироз билдирганлар турли тарзда жазоланишди. Дарс соатлари қисқартири-либ, насибалари қийилди. Бунч қўриб тур-ган бошқа ўқитувчилар Гулнорахоннинг шарт-ларига қўнишга мажбур бўлишди.

Чунончи, Ғ.Раҳмонова 2010 йил сентябрь ойининг бошида фортепиано ўқитувчиси си-фатида ишга қабул қилинган Алёна Грязно-вага ажратиб берган дарс соатлари эвази-га ҳар ойда 20 минг сўмдан "чўтал" бериб туришни талаб қилади. Шу тарзда ўша йил сентябрдан 2011 йилнинг май ойига қадар ҳар ойда 20 минг сўмдан, жами 180 минг сўм пуллари тамагирлик билан пора тари-қасида талаб қилиб олади. 2011 йилнинг 5-16 октябр кўнлари касал бўлиб ишга чиқ-маган Ғ.Якушеванинг фортепиано дарс со-атларини ҳам Ғ.Грязновага олиб беради. Ўқитувчининг пластик қарточкасига ўтказиб

Акмалжон ШОДМОНОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Қувабой шаҳар бўлими бошлиғи

берилган қўшимча иш ҳақининг 50 минг сўми-ни Ғ.Раҳмонова ўзининг эҳтиёжига сарфлай-ди. Ўзи яшаб турган Сойбўйи кўчаси, 112-уйнинг электр энергиясидан қарздорлиги учун тўловни амалга оширади.

Ғ.Раҳмонова, шуниингдек, фортепиано фани ўқитувчиси Р.Розикованинг ҳақиқа ҳам чанг солади. Унинг гуруҳига бир нафар ўқув-чини қўшиб бергани эвазига тамагирлик билан 30 минг сўм пулни талаб қилиб ола-ди. Худди шуниингдек, касал бўлиб, бир ой-дан кўпроқ вақт мобайнида ишга чиқмаган бошқа бир ўқитувчининг "ракс" дарс соат-ларини М.Абдурахмоновага қўшиб бериб, бунинг эвазига тамагирлик билан унинг пла-стик қарточкасидан 20 минг сўмини ўзининг хонадондаги электр энергияси учун тўлов-ни қоплашга ўтказиб қўяди.

Мактаб директори Шохиста Рустамбекова эса илмий бўлим мудирининг ногорасига ўйнайди. Унинг гайрикўнуний қилмишларига кўз юмиб, тамагирлик билан пора талаб қилиб олишига шароит яратади. Илмий бўлим муди-ри Ғ.Раҳмонова ўқитувчи А.Грязнованинг му-сика асбоблари соловчиси шатига расман М.Муллаганиев деган шахсни расмийлашти-риб қўйиб, иш ҳақларини ўзаро бўлиб олиш-лари ҳақидаги таклифига эътироз билдирмай-ди. Шу тариқа, Ш.Рустамованинг 2011 йил 3 октябр кўниги бўйруғи билан М.Муллаганиев ишга қабул қилинса-да, бирон марта ишга кел-майди. Унинг ўрнига солаш ишларини бажа-риб турган А.Грязнова М.Муллаганиев номи-дан ҳужжатларга сохта ёзувлар киритади. Яъни, иш ҳақи тўловномаларига М.Муллаганиевнинг ўрнига сохта имзо чекиб, олган ҳақини жино-ий шериклари билан ўртада "арра" қилади. Шу тариқа тўрт ой мобайнида М.Муллагани-евга ҳисобланган жами 609 минг сўм иш ҳақи уларнинг эҳтиёжларига ишлатиб юборилди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъмин-ланади. Мусика мактабидаги муҳитни соғлом-лаштириш, гайрикўнуний қилмишларнинг ўқувчилар тарбиясига салбий таъсирини бар-тараф этиш чоралари қўрилди.

Виртуал ол@м

Яқинда Россияда Интернет куни нишонланди. Маълумотларга кўра, 1998 йилдан буён 30 сентябрни Россия Интернет жамияти вакиллари байрам сифатида ўтказишар экан. Гарчи 14 йил тарих учун арзimas муадат бўлса-да, янги технологиянинг қисқа вақт ичида инсоният ҳаётида қолдирган "из"ни эътироф этмаслик адолатсизлик бўлади.

Бугунга келиб интернет нафақат технология бўлиб қолмай, балки инсонлар орасида ўзаро мулоқот ва фаолият турига ҳам айланиб улгурди. Ҳозир унинг ҳаётимизга кириб бормаган жабҳаси қолмади, ҳисоб. Чексиз ахборот ва маълумотлар макони, ижод, бизнес, реклама, қатор соҳа вакиллари фаолият юритиши учун қулай шароит, мароқли ҳордиқ манбаи... Бир сўз билан айтганда эса, виртуал олам фойдаланувчиларга чексиз қулайликлар эшигини очиб берди.

Ҳўш, қутилмаганда ва шиддат билан ҳаётимизга кириб келиб, уни маълум даражада ўзгартирган ва ўзгартиришда ҳамон давом этаётган технология қачон ва қай мақсадларда яратилган? Унинг ватани қаер?

1957 йилда Совет Иттифоқи ернинг сунъий йўлдошини ишлаб чиқаргандан сўнг АҚШ Мудофаа вазирлиги уруш эҳтимоли тўғилиб қолгудек бўлса, Америкага ахборот тарқатадиган ишончли ахборот тарқатиш тизимни яратиш ҳақида бош қотира бошлади. Бу орада АҚШнинг мукамаллаштирилган тадқиқот лойиҳалари тармоғи Агентлиги компьютерлар тармоғини ишлаб чиқишни тақлиф этди. Натижада, мамлакат Мудофаа вазирлигининг молиявий кўмаги билан интернетнинг илк кўриниши — ARPANET (инглиз тилидан таржумаси: Мукамаллаштирилган тадқиқот лойиҳалари тармоғи Агентлиги) яратилди. Тез сурбатларда ривожлана бошлаган ARPANETдан илк фойдаланувчилар илм-фан олами вакиллари ҳисобланади.

Дунёдаги илк сервер ARPANET эса 1969 йилнинг 2 сентябрь кунини Лос-Анжелесдаги Калифорния университетида 24 Кб тезкор хотирага эга Honeywell DP-516 компьютерга ўрнатилган. Кўп ўтмай, тадқиқотчилар 640 км. масофадан, яъни Калифорния университети ва Стенфорд тадқиқот институтига ўрнатилган компьютерлардан ARPANET тармоғи орқали алоқани текшириб кўришга муваффақ бўлишади. Тармоқ орқали юборилган илк сўз "LOGON" (тизимга кириш бўлуғи) эди. Ушунда тадқиқотчилар синон натижаларини бир-бирларига телефон орқали етказиб туришган. Шундай қилиб, техник тадқиқотчиларнинг сай-харакатлари билан 1969 йилнинг

29 октябрида интернет "дунёга келган".

Аваллига сир сақланган янги технология шиддат билан ривожланиб, қисқа муддатларда бутун дунёда оммалашиб кетди.

Жумладан, электрон почта жўнатишга мўлжалланган дастур 1971 йилда яратилди ва тез орада машҳурликка эришди.

Илк халқаро тармоқ эса, 1973 йилда трансатлант телефон кабели орқали Буюк Британия ва Норвегия давлатлари ташкилотларида иш бошлаган.

Интернет пайдо бўлган илк йилларда электрон почта орқали хабар юбориш урфа кирган. Боиси, ўша вақтларда ҳали мулоқот сайтлари (чатлар) йўқ эди. Орадан йиллар ўтиб, 1988 йилда онлайн мулоқот қилиш имкониятини берувчи дастур — "чат"лар яратилди.

1988 йилда Европада Бутун дунё тармоғини жорий қилиш концепцияси ишлаб чиқилди ва 1990 йилга келиб, ARPANET ўз ўрнини янги технологияга бўшашиб берди. Шу йили илк маротаба телефон орқали интернет тармоғига уланиш амалга оширилди. 1991 йилда бутун дунёда интернет тармоғига уланиш имконияти юзга келган бўлса, 1996 йилдан бошлаб "Бутун дунё тармоғи" атамаси ўрнига "Интернет" сўзи қабул қилинди.

Маълумотларга кўра, 1997 йилда деярли 10 млн. компьютер интернет тармоғига уланган.

Шундай қилиб, мазкур оламшумул технология роса 40 йил ичида ўзининг бекиёс имкониятлари билан бутун дунёни, қолаверса, инсоният онгини эгаллаб олишга муваффақ бўлди.

Реал ва виртуал ҳаёт

Яқинда "Facebook" ижтимоий тармоғига ўтказилган бир сўровнома натижаларини кўриб ҳайратландим. "Қуни-гизнинг неча соатини интернетга сарфлайсиз?" деган саволга 65 фоиз фойдаланувчилар 12-14 соат, яъни эса 4-5 соатдан кўпроқ, деган жавобни беришган.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, ҳар қадиқада 10 минг киши интернетда бирор ижтимоий гуруҳга аъзо бўлар экан. Яна бир қизиқ далил, фойдаланувчилар бир кунда камида 2 маротаба ўз саҳифаларига киришади.

✓ Чиндан ҳам, бугунга келиб,

техника, технология ривожини шарофати билан исталган жойда, ҳар қандай ҳолатда ҳам интернет тармоғига боғланиш имконияти мавжуд. Эҳтимол, шу сабабдан ҳам бутун дунёда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони ортиб, инсонларнинг виртуал оламга тобелиги ҳам ошиб бораётгандир.

✓ Сир эмаски, аввалига шунчаки кўнгил ёзиш, ҳордиқ чиқариш манбаи ҳисобланган виртуал мулоқотлар бугунга келиб, жиддийроқ аҳамият касб эта бошлади. Келинг, шу ўринда реал ва қизиқ бир далилга тўхталиб ўтамиз. Интернет пайдо бўлгандан сўнг "нетомания" деган атама тилимизга кириб келди. Net — инглиз тилида "тўр", тармоқ, mapia — берилиш, "асир бўлиш", лўнда қилиб айтганда, интернетга "тобе бўлиш" маъносини англатади. Рухшунларнинг фикрича, виртуал мулоқотларга кўпроқ руҳан комплексли, ҳаётда ўз ўрнини топишга, реал ҳаётда одамлар ишончини қозонишга қийналган одамлар мойил бўлишар экан. Виртуал мулоқотлардаги анонимлик, виртуаллик, қайсидир маънодаги чегараланганлик реал мулоқотларда учрайдиган муаммо ва тўсиқларни йўққа чиқариши билан айрим фойдаланувчилар учун қулай ҳисобланар экан...✓

Маданият масаласи...

Мутахассислар ва рухшунларнинг таъкидлашларича, интернетнинг инсониятга ва жамиятга нафи қанчалик юқори бўлса, хавфлилик эҳтимоли ҳам ундан ҳам эмас, айниқса, ёш авлоднинг руҳияти ва тарбиясига таъсири юқори. Сир эмас, интернет — чексиз имкониятлар, маълумотлар ва қулайликлар ҳамда манбаларга тўла олам ҳисобланади. Ундан қай мақсадда фойдаланиш эса ҳар бир инсоннинг ўзига ҳавола. Боз устига, кузатувчилар бугун интернетдан фойдаланиш маданияти ҳавасқиларли даражада эмаслигини таъкидлашапти. Турли хил мақсадларни, гоёларни тарғиб қилувчи сайтлар, онлайн ўйинлар, хилма-хил ахборотлар, сиёсий, диний қарашлар, оммавий маданият тарғиботи... Хуллас, мутахассисларнинг қуюнганларича бор. Яна бир далил, интернетдан олинган манбаларга кўра, бир кунда бутун дунёда 70 мингдан ортқ зарарли янги дастурлар ишлаб чиқилар экан.

Тўғри, интернетнинг инсониятга тақдим этган қулайликлари, имкониятларини тарихда шу кунга қадар яратилган ҳеч қайси бир технология билан қиёслаб бўлмайди. Қизиғи, бу виртуал кенгликда

назорат ўрнатишнинг ҳам иложи йўқ. Ҳар ҳолда танлов имконияти ҳар кимнинг ўзида. Хулоса ўрнида япон тадқиқотчиларнинг фикрини келтириб ўтишни лозим топдик: "Интернет мисли уммон. Унда қайи-гингиз — эътиқодингиз, руҳияти-нгиз заифлик қилса, уммон суви сизни ўзи истаган томонга оқизиб кетиши мумкин".

Башоратлар

Буни қарангки, айрим манбалардан маълум бўлишича, XIX асрдаги айрим адиблар, айниқса, фантаст ёзувчилар маълум бир вақт келиб интернетнинг яратилиши ҳақида ўз асарларида ёзиб қолдиришган. Масалан, XIX асрда яшаб, ижод қилган рус ёзувчиси ва файласуфи Владимир Одоевский 1937 йилда ёзилган ва тугалланмаган "4338 йил" номли романида блоглар ва интернетнинг яратилиши ҳақида тахминлар келтиради: "Бир-бирига яқин ўйлар оралиғида магнитли телеграфлар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида узок масофада яшовчилар ҳам бир-бирлари билан мулоқот қила олиш имкониятига эга бўладилар".

1908 йилда Никола Тесла қуйидаги фикрни билдирган: "Лойиҳа амалга ошганда, бизнесмен Нью-Йоркда туриб буйруқ юбориши ва ундан шу заҳоти Лондон ёки исталган жойдаги офисдагилар хабардор бўлишлари мумкин. У иш жойидан туриб ер шарининг хоҳлаган нуқтасидаги абонентига кўнғирок қила олади. Соат катталиғидаги арзон қурилма ёрдамида сўзда ёки қуруқликда мусиқа тинглаш, узок масофадан туриб ҳам сиёсатчилар ва олимларнинг нутқларини эшитиш имконияти мавжуд бўлади. Шунингдек, у худди шу тарзда исталган сурат, белги ёки матнни бир жойдан бошқа жойга узата олиши мумкин. Миллионлаб бу каби қурилмалар ягона станция орқали боқарилади ва энг муҳими, бу жараёнлар ҳеч қандай узатиш симларисиз амалга оширилади.

Инглиз ёзувчиси Эдвард Морган Форстер эса ўзининг 1909 йилда ёзган "Машина тўхтапти" номли фантастик-антиутопик асарида инсониятга хизмат қиладиган "автоматлаштирилган тизим"ни тасвирлайди. Асарда айтилишича, инсонлар буткул унга тобе бўлишади. Ўйларидан чиқмай, фақат виртуал мулоқот қилиб, ёлғиз яшашади. Тизим бузилиб тўхтаганда инсонлар ҳам ҳалок бўлади. Эҳтимол, бу билан ёзувчи ўша вақтда ҳозирда бизнинг тилимиздаги "нетомания"ни назарда тутган бўлса не ажаб...

Бугунги ахборот асрининг энг муҳим кўринишларидан бири "on-line" таълими-дир. У ҳозирда интернетнинг самарали имкониятларидан бири ҳисобланади. Массофали таълим ўзининг қатор қулайликлари билан билим олишдаги асосий уч муаммони ҳал қилади. Булар вақт, маблағ ва масофаар.

«On-line» таълим имконияти

Массофали таълимнинг яратилиши XVIII аср охирида Европада доимий почта хизмати юзга келиши билан боғлиқ. Яъни ўша вақтларда "ўқувчи"лар почта орқали педагоглардан ўқув материалларини қабул қилиб олишар, ёзиш-малар орқали имтиҳон топшириб, савол-жавоблар ўтказишарди. Кейинчалик эса онлайн таълим тизими-да теле ва радио имкониятларидан фойдаланиш юқори натижалар бериб, оммалашиб кетди.

1969 йилда Буюк Британияда дунёдаги илк массофали таълим университети — "Буюк Британия очик университети" яратилди. Бу таълим даргоҳида машғулотларни аудиторияга келмасдан ҳам ўрганиш имконияти мавжуд эди.

Бугун дунёнинг барча ривожланган давлатларида массофали таълим тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Шу жумладан, ҳозирга келиб онлайн таълим юртимизга ҳам бегона эмас. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Миллий университети. Ахборот технологиялари университети, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тўшкентдаги филиаллари-да массофали таълим тизими жорий қилинган. Сир эмас, массофали таълим техник мукамаллиқни талаб этади. Шу боис, вақти келиб юртимиздаги барча университет ва турли соҳа бўйича ўқув марказларида онлайн таълим тизими шакллантирилса, таъкидланганидек, йўл босиб, вақт ва маблағ сарфлаб пойтахтга қатнаб ёки хорижга бориб ўқиш масаласи осон ҳал бўларди.



Чув тушган валютатурушлар



Суд замига ҳаммадан кейин кириб келган ўрта ёшлардаги аёл энг чеккадаги ўриндиққа бориб ўтирди. У ҳозир ер тарс ёрилса-ю, ерга кириб кетишга тайёр эди. Чунки, панжара ортдаги қора курсида унинг бир эмас, икки нафар фарзанди бош эгиб ўтиришибди. Ён атрофда эса ана шу она дунёга келтириб, ўстирган фарзандлар томонидан қийноққа солинган, мол-мулки талон-торож қилинган жабрийлаалар адолат сўзини кутишяпти.

Нихоят ҳукм ўқилди. Ашаддий жиноятчилар — ака-ука Наби ва Фани Сармоновларнинг бирига 18 йил, иккинчисига 17 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди...

Бир оила фожиага юз тутди. Ойназор қариган вақтида узоқ йиллар ёлғизлик ва соғинч азобини тортадиган бўлди. Шуларни уйлабми, у чуқур "ух" тортиб, "аттанг" деган сўзни бир неча бор такрорлади. Аммо энди кеч. Ахир у фарзандларини ўз вақтида нопок йўлдан кайтарса бўларди-ку! Ёки уйига оқиб келаётган жарақ-жарақ пуллари она сезмаганимиди? Сезганди! Афсуски, бошида болаларини рағбатлантирган ҳам ўзи эди...

Бозордаги "пистачи" хола

Дехқон бозорига кираверишда писта, қурут сотиб ўтирган, одмигина кийинган Зира холаги кўпчилик бир қарашда бечораҳол кампир деб ўйлаш мумкин эди. Аслида унинг дангиллама ховли-жойи, шахсий автомашинаси, бошида эри, тоғни урса, толқон қиладиган икки нафар ўғли борлигини биров билиб, биров билмасди. Ўзини "бефарзанд аёл" деб жар солиб, арзимаган патта пулини ҳам тўламайдиган бу "пистачи" холагнинг бошқа "даромад"и борлигидан ҳам ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.

Авалгига "қора бозор"да хуфия доллар олди-сотдиси билан шуғулланиб юрган Зира хола, кейинчалик валюта айирбошлаш шохобчаларида сунъий навбатни уюштирувчи хотинлар гуруҳини тузди. Орадан кўп ўтмай, у туппа-тузук ишлаб турган катта ўғли Набижонни ўзи шуғулланаётган кингир ишларига жалб қилди. Натижада шаҳардаги валюта айирбошлаш шохобчаларида бирида пайдо бўлган Наби онасининг ўрнига сунъий навбатни ташкил этиш, бегоналари у ерга йўлатмаслик билан шуғулланадиган бўлди. Зира хола эса бозорда писта сотувчи қиёфасида лакмаларини топиб, номига доллар олиш учун фуқаролик паспортларини ўлғига етказиб берадиган бўлди. Утган тўрт-беш ой давомида она-бола ва унинг гумашталари томонидан олинган пуллар жуда катта миқдорни ташкил этиб, "қора бозор"да қайта сотилиб, нархлар орасидаги фарқ ҳисобига яна қўшимча фойдага ҳам эга бўлишди.

Зира хола бугун ўғли кечикаётганидан хавотирда эди. Жой ҳақини сўраб келган паттачига ҳам "бир стакан ҳам писта сотганим йўқ, бор йўқол" деб бобиллаб берди. Шу пайт осмондан тушгандай қаршида пай-

до бўлган Набига кўзи тушиб, хурсанд бўлиб кетди.

— Ўзингиз берган ўн та паспортни кайтаряпман. Ҳар бирининг ичида ўн минг сўмдан пул бор, — деди ўғли ишлатилавериш яғри чиқиб кетган сумкани онасига узатаркан.

— Аввал менинг ҳақимни чўз, — гапни чўрт кесди она.

— Сумканинг ичида алоҳида 250 минг сўм бор. Бугунги хизмат ҳақингиз.

— Нега кам? Ҳеч бўлмаса, яна элик минг кўш!

— Ҳар сафар шу гапни такрорлайсиз-а, ойи? — ҳаҳл қилди ўғил. — Қочиб кетаётганим йўқ-ку? Кечкурун уйга бораман, сотилган пулдан тушган фойдани бўлишмасиз.

— Бизнинг бизнесда она-бола деган гап йўқ, — деди она. — Биз шериклармиз, тушундингми? Бозорда "ойи" дема, ҳозир сенга бегонаман, яъни холаганман...

"Заҳар солмоқ эрур касби илоннинг..."

Фирибгарликда шайтонни ҳам ярим йўлда қолдириб кетадиган Набининг нафси тобора ҳақалак отиб борарди. У энди каттароқ ўлжани қидира бошлади. Бу йўлда у дўстларини ҳам, кечагина битта нонни бўлиб еган ҳамтовокларини ҳам аямоқчи эмасди. Дарду фикри текин даромад орттириш ниятида бўлган одам учун дўстлик, одамгарчилик деган тушунчаларнинг қадри борми? "Ўғрини қароқчи урди" деганларидек, Наби ҳам энди ҳамтовокларини "чув" тушириш учун қабиҳ режа тузди.

Одатда, валюта алмаштириш шохобчаси орқали сунъий навбатни ташкил этиб, сўмга доллар сотиб олиш билан боғлиқ жиноий "операция" бир неча босқичдан иборат бўлади. Унда барчанинг ўз вазифаси аниқ белгиланади. Наби ана шу узун "занжир"нинг бор-йўғи бир ҳалқаси эди, холос. Яъни у шохобча олдида сунъий навбатни ташкил этиш, улarga "мижоз" паспортини етказиб беради, "хўжайин"лар қанча ҳақ берса, шу билан қаноатланишга мажбур эди. Бора-бора кимгадир дастёр бўлиш унга ёқмай қолди. Тўғрироғи, у бира-тўла ҳамма пулга эга бўлишни хоҳлаб қолди.

Шундай қилиб, Наби ҳамтовокларининг ҳар бирига янги вазифаларни тақсимлаб берди. Унга кўра, бир неча валюта айирбошлаш шохобчаси олдида доллар сотиб олиш учун захира сўм пуллари ортлган автомаши-

ёки ўғрини қароқчи урди

налар хуфия назоратга олинади. Бу уловларнинг ҳайдовчилари ва қўриқчиларидан тортиб, пул ташувчи қуръерларнинг жисмоний тайёргарлигига ҳам ўрганилади. Қулай пайт келиши — "айғоқчи"лар хабар бериши билан Наби бошчилигидаги қуролланган қароқчилар "иш"ни охирига етказишади. Наби бу ишга ИИББ тизимидаги гуруҳлардан бирида ходим бўлиб ишлайдиган Норкул Оппоков ва Шамси Шаметовларни ҳам жалб қилди. Натижада жиноий тўда ўқ отар қуроллардан фойдаланишни олдиндан режалаштирди.

Шундай қилиб, жиноий гуруҳ айғоқчиларидан бири тумандаги кўпқаватли уйлардан бирининг биринчи қаватидаги хонадон ҳовлисидаги автомашинада жуда катта миқдорда пул борлигини маълум қилди.

Ниқоб кийган шарпалар

Тонг ғира-ширасида пойтахт кўчаларидан елдек учиб бораётган "Нексия"нинг давлат рақамлари латта билан ўралганини ҳисобга олмаса, айтирли ажабланишли томони йўқ эди. Автомашина кўпқаватли уй этагидаги атрофи темир панжара билан ўралган сердарахт кичкина ховли олдида тўхтади. Ундан юзига ниқоб таққан икки киши тушиб, одам бўйи келадиған тўсиқдан қийинчиликсиз ўтишди ва ёғоч супада ётган кимсанинг қошига келишди. Ҳарбийларникига ўхшаш кийинган босқинчи ётган одамнинг чаккасига тўппонча қадади-да, буюрди:

— Овозингиз чиқармай, ерга қараб ёт, йўқса ўласан!

Итоаткорлик билан юзтубан ётиб олган кимса, титраб-қақшаганча "Кимсизлар?" дея сўради.

— Биз махсус гуруҳданмиз, — жавоб берди қуролли кимса. — Бу ерда жиноятчилик билан топилган пул яширилганини тўғрисида хабар берилган. Пул қани?

— Калитни чўз! — деди иккинчи ниқобли киши ва калитни олган, машинанинг эшигини очиб, пул тўла чарм сумкани оларкан, "кетдик!" ишорасини қилди.

Машинанинг эгаси шу дамда бошига урилган темир тўқмоқ зарбидан ҳушидан кетди. Ниқобли кимсалар эса ташқаридаги уловга ўтириб, кўздан ғойиб бўлишди.

Бу ишларни сал наридаги автомашинадан қузашиб турган Наби пул эсон-омон белгиланган жойга етказилгани тўғрисидаги хабарни эшитгандан кейингина жойидан кўзгалди. Шундан сўнг уюшган жиноий гуруҳ аъзолари бежавотир жойда учрашиб, босқинчилик йўли билан талон-торож қилинган 38 миллион сўм пулни ўзаро тақсимлаб олишди. Наби ўзига 10,5 миллион сўмни ажратди. "Операция"ни бевосита амалга оширган Норкул Оппоков ва Шамси Шаметовларга жами 16 миллион сўм "улуш" теғди. Пулларнинг қолгани тўдабошининг укаси Гани ва бошқалар ўртасида тақсимланди.

Янги "ўлжа" — "Paynet"

"Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, иллат излаганга иллатдир дунё" деганларидек, кимдир тонгда янги кун яхшиликлар келтиришини ният қилиб, ишга, ўқишга отланса, Наби эса бугун кимнинг бахтига чанг солсам экан, деб кўчага чиқарди.

Наби айғоқчилари жимлигидан ғазабини босолмай, телефонда ҳамтовокларига дўқ-пўпаса қилишга ўтди: "Қачонгача тухум босиб ўтира-санлар?! Жарақ-жарақ пуллари фақат мен топиб беришим керакми?" "Объект" топмасаларинг, гуруҳдан ҳайдаласанлар!"

Шу пайт жиноий гуруҳ аъзоларидан бири — Нурали кўнғироқ қилиб,

Жамшид ВОСИЕВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

бир манзилдаги қаҳвахона ертўласида, аниқроғи, "Paynet"да пул ҳам, моддий бойликлар ҳам мўллигини, кечиктирмасдан таппа босиш кераклигини хабар қилди. Кайфияти кўтарилган Наби кечаси 23:00да ўша ердаги бозор ёнида йиғилишларини айтди.

Тунги соат 23:30ларда "Paynet" шохобчасига кириб келган уч нафар йигитни Воҳиджон одатдаги миқозлар деб ўйлади ва компьютердан кўз узмай, "қайси компания?" дейишга улгурди, холос. У бошига келиб тушган мушт зарбидан курсиси билан ерга йиқилди...

Босқинчилар сумкага жойланган нақд 1 миллион сўм пул ва 205 АҚШ доллари билан бирга ҳар бирининг нархи 400 минг сўм бўлган "Nokia 880", "Nokia 6500" русумли иккита уяли алоқа телефони, шунингдек, бир неча принтер картрижлари, "Sony" фотоаппарати, "Ipad UP3" русумли мусика мосламасини ўғрилаб чиқиб кетишди. Талончилик оқибатида "Paynet" шохобчасига 2 миллион 300 минг сўм ва 205 АҚШ доллари миқдоридида моддий зарар етказилди. Мазкур жиноятда иштирок этганларнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан пул тақсимлаб берилди.

Ҳар қандай жиноятчилик, қонунбузарлик охири боши берк кўчага олиб бориши кундек равшан. Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам аллақачон Наби Сармонов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳнинг изига тушган эди. Ўтказилган тадбир натижасида улар қўлга олинди. Тинтув пайтида Н.Оппоковнинг ёнида гуғурт қутисига жойланган "марихуана" гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Аниқланишича, судланувчи Н.Оппоков босқинчилик жиноятини содир этиш пайтида шаҳар ИИББ идораларидан бирида навбатчиликда бўлган. Гарчи навбатчилик пайтида ўқ отар қурол олиб юришга унинг ҳаққи бўлса-да, шахсий юмуши билан ишхонадан ташқарига чиққанда қуролни топириши лозим эди. Аммо ўша кунни Оппоков буни негадир "унутиб" қўйган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан ака-ука Наби ва Фани Сармоновлар бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари устидан ҳукм чиқарилди. Айбдорларнинг ҳар бирига узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазолари тайинланди.

Суд ниҳоясига етди. Панжара ортда ўтирган маҳкумлар олиб чиқиб кетилди. Зал четидаги ўриндиқда ўтирган она кўз ёшларини тўхтаган олмади. Ён атрофидан ўтиб кетаётган одамлар унга тасалли бериш-бермаслигини ҳам билишмасди.

Бу ҳолатда унинг бир муддат ёлғиз қолгани маъқул. Балки у ҳозир оила аталмиш кўргонни тўзғитиб юборганлиги учун ўзини қойиётгандир... Ёки икки ўғлини ўстириб, қўш келин қўлидан бир пиёла чой ичолмай, армонда қолгани учун эзилаётгандир... Барча оналар қатори унинг ҳам бир дунё орзулари бўлгандир... Фақат бу орзулар энди саробага айланди. Бунинг сабабларини ўйлаб кўришга эса унда вақт етарли, узун-узун айрилик йиллари ҳали олдинда турибди. Ҳаёт эса давом этади. Балки вақти келиб, қўш келин қўлидан чой ичиш, бир этак набараларга буви бўлиш бу аёлга ҳам насиб қилар. Бунинг учун у атрофдаги ҳалол меҳнат билан яшаётган замондошларимиз каби яшаши керак, холос. Бу жуда оддий ҳақиқат ва ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдми.

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MЧЖ

Тошкент шаҳар филиалида бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 31 октябрдаги 205к-ПО-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй манзилда жойлашган 9 қаватли бинонинг биринчи қаватига тақаб қўрилган умумий майдони 1044 кв.метр, бошлангич баҳоси - 1 294 168 500,0 сўм бўлган бино қисми қўйилмоқда.

Давлат активини балансида сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Балансида сақловчининг ихтисослиги: Маъмурий бино ишюотларини маълумот базасини яратиш ва уни такомиллаштириш.

Бинода электр, газ, сув таъминоти ва бошқа коммуникация тармоқлари мавжуд.

Аукцион савдоси 2012 йил 10 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушиш вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мудлати: 2012 йил 9 декабрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 10 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 25 декабрь ва 2013 йил 15, 29 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мудлати 2012 йил 25 декабрдаги савдолар учун 2012 йил 24 декабрь куни соат 18:00; 2013 йил 15 январдаги савдолар учун 2013 йил 14 январь куни соат 18:00; 2013 йил 29 январдаги савдолар учун 2013 йил 28 январь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатлат келишувига асосан, давлат активи бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини "K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра олиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо қилини томонидан тўланган закатлат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо қилини давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилганга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закатлат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлиниши таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16а-уйнинг, бинонинг 3-қаватдаги мажлис залда бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказиш учун давлат ҳужжатларини тўлириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича муножат учун манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16а-уй. Телефон (факс) (8-371) 233-23-49. Расмий сайтимиз: www.ikms.uz. Электрон почта манзил: rieltasvdo@inbox.uz

Ўзгартириш

"Huquq" газетасининг 2012 йил 25 октябры, пайшанба кундаги 43(824)-сонда чоп этилган "Golden Build Trading" MЧЖ томонидан аукцион савдосига чиқарилган, "ДМК Бухоро виллоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 9 октябрдаги 9а-сонли буйруғига асосан Бухоро виллояти Пешку тумани Қалъайи-Миршор қўғйи, Тилисубун қишлоғи ҳудудда жойлашган яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг умумий майдони 400,0 кв.метр, деб ўқилсин.



FitchRatings

"Fitch Ratings" nufuzli xalqaro reyting agentligi
"Agrobank" ochiq aksiyadorlik tijorat bankining
reyting darajasini

"BARQAROR"

deb baholadi

"Agrobank" ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi 43
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

«Қашқадарё ким ошди савдо» масъулияти чекланган жамияти «аукцион» савдосига таклиф этади!

2012 йилнинг 10 декабрь куни соат 10:00 дан бошлаб "Қашқадарё ким ошди савдо" MЧЖ офиси биносига аукцион комиссияси иштирокида, объектининг бошлангич баҳосини ошириш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

ТИФ Миллий банк Қашқадарё виллоят бўлимига қарашли:

1. "BA3-212130" русумли давлат рақами 18 AI 752 автомашина. 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 4 119 000 сўм.

2. "YA3-31514" русумли давлат рақами 18 AF 171 автомашина. 1996 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 8 539 000 сўм.

"Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖга қарашли:

3. "Нексия" русумли давлат рақами 18 AI 948 автомашина. 1998 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 4 518 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин, яъни 7 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 17 ва 24 декабрь кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

2012 йилнинг 26 ноябрь куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилади:

Жанубий-ғарбий магистрал электр тармоқлари корхонасига қарашли:

1. "ИЖ-2715" русумли давлат рақами 70 291 FAA автомашина. 1987 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 776 000 сўм.

ТИФ Миллий банк Қашқадарё виллоят бўлимига қарашли:

2. "ГАЗ-31029" русумли давлат рақами 18 AI 751 автомашина. 1995 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 2 808 000 сўм.

"Дехқонобод каллий ўғитлар заводи"га қарашли:

3. "ISUZU SAZ NQR 71PL" русумли давлат рақами 70 829 JAA автомашина. 2010 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 96 857 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин, яъни 23 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдода

сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 3 ва 10 декабрь кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Очик "Аукцион" савдосига қатнашиш учун аризалар эълон қилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача "Қашқадарё ким ошди савдо" MЧЖ офиси биносига қабул қилинади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Заказлат пули тўғрисида келишув"га асосан савдога қўйилган мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закатлат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона низоми ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишоннома тақдим қилишлари шарт.

Заказлат пулини тўлаш учун реквизитлар: "Қашқадарё ким ошди савдо" MЧЖ, АТИБ "Ипотека банк" Қашқадарё виллоят филиали, МФО 00190, ҳисоб рақами 20208000504396266001, СТИР 205560394.

Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман. Мўлжал: "Зангори экран" устaxonаси. Телефон: + 998 95 505-08-99, + 998 95 506-08-99. Гувоҳнома № 1665

Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши бўйича танлов эълон қилади!

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш Дастури тўғрисида"ги Қарорининг 2-илоҳисига ва Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг 2012 йил 23 октябрда 02-02-8-36-сон билан рўйхатга олинган Баённомаси мувофиқ, қурилиши тугалланмаган, фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Танлов шартлари		
				Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм)	Бажарилиш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари
1	Қурилиши тугалланмаган кўп қаватли турар жой бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри	Ҳокимияят	500,0	2 йил	5
2	Жанубий қонбошқарманинг 2-сонли автоколоннаси	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Қрасногорск кўрғони	НКМК	100,0	3 йил	10
3	Бўш турган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 5/3 даҳа	Ҳокимияят	150,0	3 йил	30
4	Нотурар жой биноси	Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, 46 даҳа	Ҳокимияят	200,0	3 йил	150
5	Қурилиши тугалланмаган 89-сонли турар жой биноси ва иншооти	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, 5/2-кичик ноҳияси	Ҳокимияят	500,0	2 йил	5
6	"Иссиқлик манбаи" ИЧБнинг қурилиш тугалланмаган қозонхона биноси	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Бўстон маҳалласи	Ҳокимияят	1 500,0	3 йил	40
7	"Ўзиниқроқветмет" ШКнинг бўш турган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Усмон Носир кўчаси 3-уй	Ҳокимияят	1 500,0	3 йил	20
8	Қурилиши тугалланмаган турар жой бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, 5/2 кичик ноҳия	Ҳокимияят	500,0	2 йил	5
9	Бўш турган савдо маркази (супермаркет)	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Примкулова кўчаси	Ҳокимияят	1 000,0	3 йил	15
10	Бўш турган маъмурий бино	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Иванова кўчаси, 5-уй	Ҳокимияят	50,0	3 йил	5
11	Қурилиши тугалланмаган 15-сонли турар жой биноси ва иншооти	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 3/3 даҳа	Ҳокимияят	400,0	2 йил	10
12	Қурилиши тугалланмаган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 2/2 даҳа	Ҳокимияят	150,0	3 йил	8
13	"Назарбекавтойўл" ДКнинг фаолият юритмаётган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар	Ҳокимияят	5 000,0	4 йил	100
14	Қурилиши тугалланмаган ётоқхона бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Ломоносова кўчаси	Ҳокимияят	500,0	2 йил	10
15	Қурилиш тугалланмаган сузиш ҳавзасининг бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Беруний кўчаси	Ҳокимияят	150,0	3 йил	15
16	Қурилиши тугалланмаган ётоқхона бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, А.Каримов кўчаси	Ҳокимияят	500,0	2 йил	5
17	Жанубий қонбошқарманинг 1-сонли автоколоннаси	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани	НКМК	500,0	2 йил	20
18	Жанубий қонбошқармасига қарашли техника ва материаллар билан таъминлаш марказий базасининг бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани	НКМК	5 000,0	4 йил	50
19	Бўш турган автокорхона бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор ШФЙ	Ҳокимияят	100,0	3 йил	15
20	Қурилиши тугалланмаган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, "Янгибозор" ҚФЙ	Ҳокимияят	100,0	3 йил	15
21	Бўш турган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Тулбаҳор" ШФЙ	Ҳокимияят	80,0	3 йил	7

Танлов ўтказиш куни — 2013 йил 7 январь.
Танлов ўтказиш жойи — Тошкент вилояти ҳокимияти биносидида.
Манзил — Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй.

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятини бажариш учун актив ва пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охириги ҳисобот даври (чорақ, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси (агар аудиторилик текшируви ўтказилган бўлса) нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатлари

да белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги муҳрланган конвертларга солинган танлов тақлифлари:

инвестиция мажбуриятларининг тақлиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари; бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйлаётган иқтисодий самаралар;

сотиш объектини молиявий-ҳўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик мақсад-

ларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига — Тошкент вилоят ҳокимлиги ёки Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил — 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 259-22-48, факс: 239-83-90

Белгиланган танлов кунидида объектлар сотилмаган тақдирда танлов ҳафтанинг ҳар душанба кўни бўлиб ўтади.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошқоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат мулки қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига ва hususiyashtirish@mail.ru электрон почта манзилига хабар қилишингиз ёки Тошкент вилояти ҳокимлигининг (8-371) 236-27-70 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4434-сонли Фармони ва Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 августда 02-02-8-36-сон билан рўйхатга олинган қарорига асосан хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестиция-

лар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан "ноль" харид қиймати қуйидаги объектлари тақлиф этилади.

Манзил — 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 259-22-48, факс: 239-83-90

№	Объект номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи
1	Собиқ Сувокова бошқарманинг бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
2	Собиқ пойабзал фабрикасининг бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Пушкин кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги
3	Нотурар жой биноси	Тошкент вилояти, Бўка тумани, Мустақил Ўзбекистон кўчаси	Бўка тумани ҳокимлиги
4	Нотурар жой биноси	Тошкент вилояти, Бўка тумани, Магистрал кўчаси	Бўка тумани ҳокимлиги



Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоидалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



MIKROKREDITBANK

ISSN 2010-7617



9 772010 761004